

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ

“Сув хўжалигини бошқариш ва унинг иқтисодиёти” факультети

“Сув хўжалиги иқтисоди” кафедраси

Химояга рухсат этилди
Кафедра мудири
_____доц.С.Р.Умаров
«_____» _____ 2013 йил

**Мавзу: «Мелиорация тадбирларига сарфланган инвестицияларнинг
иқтисодий самарадорлиги »**
(«Сирдарё насос станциялари энергетика ва алоқа бошқармаси» материаллари
мисолида)

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Бажарди:

“Иқтисодиёт” таълим йўналиши
4-босқич 2- гуруҳ талабаси
Қулбердиев О.

Раҳбар:

проф. А.Султонов

Тошкент-2013 й.

М У Н Д А Р И Ж А

1.Кириш.....	3-4 бет
2.«Сирдарё насос станциялари энергетика ва алоқа бошқармаси» нинг ташкилий-иқтисодий шарт-шароитлари.....	6-9 бет
3.Асосий қисм:	
3.1 Мелиорацияга сарфланадиган капитал қўйилмаларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашнинг назарий ва услубий асослари..	11-25 бет
3.2 Инвестицияларни жалб қилишнинг ҳозирги аҳволи ва унинг мониторинги.....	
3.3 «Сирдарё насос станциялари энергетика ва алоқа бошқармаси» нинг фаолияти таҳлили ва иқтисодий самарадорлиги.....	
3.4 Сув хўжалигига инвестицияларни жалб қилиш истиқболлари...	
4.Ҳукукий қисм.....	
5.Хулоса ва таклифлар.....	
6.Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги.....	
7.Фойдаланилган адабиётлар	
8.Интернет маълумотлари.....	

Кириш

Мамлакатимизда барқарор ва самарали иқтисодий шакллантириш борасида амалга ошириб келинаётган ислохотлар бугунги кунда ўзининг натижаларини намоён этмоқда. Жумладан, республикамиз қишлоқ ва сув хўжалигида олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг самараси сув хўжалиги моддий техникасини мустаҳкамлашга боғлиқ. Мураккаб гидротехника иншоотларининг яратилиши ҳамда сув хўжалигини техник ва технологик қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, гидромелиоратив тизим техника жиҳатдан қанча мукамал бўлса, у қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги ошишига шунчалик кўп таъсир этади.

Техника жиҳатдан мукамал тизимларни қуришга ўтиш ердан анча оқилона фойдаланиш, суғорув суви йўқотилишини камайтириш, сув чиқариш техникасини унумли қўлланиш учун шароит яратиш, суғориш тизимларини механизациялаштириш ва ишлатишни автоматлаштириш, тупроқларнинг тегишли сув режимини сақлаш каби долзарб муаммоларни ҳал этишга ёрдам беради. Техника жиҳатдан мукамал тизимларни жорий этиш сувни 30-40% тежаш, ердан фойдаланиш коэффициентини ошириш, қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ва барқарор ҳосил олиш имконини беради.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29-октябрдаги «2008-2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПФ-3932 сонли Фармонида асосан, 2008-2012 йиллар мобайнида ушбу соҳадаги давлат фаолиятининг устувор йўналишлари сифатида мелиорация ишларининг буюртмачилари ва ижрочилари ўртасида вазифаларни қатъий тақсимлаш ҳамда уларнинг жавобгарлигини ошириш асосида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш дастурларини шакллантириш ва амалга оширишга ёндошувларни тубдан

Ўзгартириш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича ишларни молиялаштиришнинг ишончли механизмини таъминлаш, мелиорация шохобчаларининг самарали ишлашини, дренаж ва оқава сувларнинг коллектор-дренаж тармоғи орқали нормативга мувофиқ чиқарилишини таъминлайдиган ушбу шохобчаларни сақлаш механизмини сифат жиҳатидан такомиллаштириш кабилар белгиланган. Жумладан, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича 2008-2012 йилларга мўлжалланган Давлат Дастури асосида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича мақсадли комплекс чора-тадбирларини амалга ошириш орқали тупроқнинг унумдорлигини тубдан ошириш 2008-2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастурида кўзда тутилган чора-тадбирлар тизимининг изчил амалга оширилишига – яъни, экин майдонларининг мелиоратив аҳволини яхшилаш, фаолият кўрсатаётган ирригация-мелиорация объектларининг тегишли техник ҳолатини таъминлаш, ихтисослашган сув хўжалиги, қурилиш ва эксплуатация ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий техника билан жиҳозлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш даркор.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўтганларидек, “...Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда инвестицияларни жалб этиш, аввало ички манбаларни сафарбар этиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларини жадал, модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш ва ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш, ҳал қилувчи устувор йўналишга айланди.”

Шу нуқтаи назардан, ушбу битирув малакавий иши мелиорация тадбирларига сарфланган инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш масалаларига бағишланган бўлиб, мавзунини ёритишда «Сирдарё насос станциялари энергетика ва алоқа бошқармаси» материалларидан фойдаланилди.

*ОБЪЕКТИНИНГ ТАБИИЙ
ИҚТИСОДИЙ ШАРТ-
ШАРОИТЛАРИ*

«Сирдарё насос станциялари энергетика ва алоқа бошқармаси» нинг ташкилий-иқтисодий шарт-шароитлари

Сирдарё вилояти Сирдарё дарёси тизимида жойлашган бўлиб, умумий майдони 427,618 минг гектарни, суғориладиган майдони 292,220 минг га. ни, экин экиладиган майдони 255,921 минг га. ни ташкил этади. Вилоятда асосан, деҳқончилик билан шуғулланади ва 8 та аграр тумандан ташкил топган. Боёвут, Ўзбекистон, Мирзаобод, Оқ-олтин, Сардоба, Бойовут, Сирдарё, Ховос туманлари. Вилоятда 5 та шаҳар (Гулистон, Янгиер, Сирдарё, Бахт, Ширин) 7 та шаҳар типдаги қўрғонлар (Пахтаобод, Деҳқонобод, Боёвут, Ховос, Сайхун, Наврўз, Сардоба) мавжуд. Вилоятимиз шимолдан Қозоғистон Руспубликаси, шарқдан Тошкент вилояти, жанубдан Тожикистон Республикаси, ғарбдан Жиззах вилояти билан чегарадошдир.

Асосий сув манбаи Сирдарё дарёси бўлиб, «Дўстлик» ва «Жанубий Мирзачўл» Каналлари оркали суғорилади. «Дўстлик» магистрал каналининг узунлиги 123 км бўлиб, шундан 70 км вилоятимиз ҳудудидан ўтади, сув ўтказиш қобилияти 260 м³/сек бўлиб, суғориш майдони 275 минг гектарга тенгдир.

Жанубий Мирзачўл канали Жиззах ва Сирдарё вилоятларини оқар сув билан таъминлайди, узунлиги 242 км, шундан 92,3 км вилоят ҳудудидан ўтади, суғориш майдони 375 минг гектар бўлиб вилоятимизнинг 163 минг гектар ерини сув билан таъминлайди, сув ўтказиш қобилияти 500 м³/сек.

Иқлим шароити. Сирдарё вилояти асосан икки ҳудуддан, эски ҳудуд (Боёвут, Ўзбекистон, Сайхунобод, Сирдарё ва Ховос туманлари) ва янги ҳудуд (Мирзаобод, Меҳнатобод, Оқ олтин, Сардоба туманлари) лардан иборат. Вилоят тоғ оралиқ массивининг пастқам, кучли шамол эсадиган, кучли куёш нурларига бой, рельефи жиҳатидан текис, кескин континентал иқлимли, тупроқлари турли хил даражада шўрланган, сизот сувлар сатхи 2,0-2,5 м ни ташкил этадиган, ёғингарчилиги кам климатик минтақада жойлашган.

Қишлоқ хўжалиги экинлари асосан суғориладиган майдонларда етиштирилади.

Энг кўп ёғингарчилик вилоятда баҳор ва қиш фаслига қисман куз фаслининг охирги ойларига тўғри келади. Қишги ёғингарчиликлар тупроқ капиллярларида сув захирасини бойитиб, тупроқ таркибидаги зарарли ва осон эрийдиган туз ва хашоратларнинг камайишига сабаб бўлади.

Об-ҳаво ўзгаришлари турли хил даражада бўлишини кузатиш учун вилоятимизда 3 та метеорологик станциялар мавжуд:

Сирдарё, Оқ олтин ва Янгиер метеостанциялари ёрдамида об-ҳаволар аниқлаб борилади.

Аниқланган натижаларга кўра:

2011 йилда ўртача йиллик харорат хар учала метеостанция буйича 14,5 градусга тенг булди.

- Сирдарё метеостанциясида	-	14,2 градус,
- Оқ олтин метеостанциясида	-	14,4 градус,
- Янгиер метеостанциясида	-	15,0 градус.

Уртача йиллик ёғингарчилик 250 мм га тенг булди.

- Сирдарё метеостанциясида	-	270,6 мм,
- Оқ олтин метеостанциясида	-	243,4 мм,
- Янгиер метеостанциясида	-	235,2 мм.

Хар учала метеостанция бўйича, об-ҳаво харорати ҳамда ёғингарчилик микдор кўрсаткичлари юқорида жадвал асосида илова килинган.

Геологик ва гидрогеологик шароити. Сирдарё вилояти худуди тоғ оралиғи массивида жойлашган бўлиб, тектоник мураккабликка эга.

Тупроқ таркибининг тузилиши 3 қисмдан иборат.

1.Соз таркибига кирувчи жинслар кенг тарқалмаган бўлсада, Ховос группаси оралик конусида жойлашган. Асосан тош-шағаллардан иборат, марказий қисмида аллювиал ўзандан иборат бўлиб, суглиник ва қум билан биргаликда алмашилиб жойлашган.

2. Сирдарё дарёси таркибий кисми аллювиал узандан иборат бўлиб, бу узан жанубда 20-40 метр, шимолда 80-100 метр чуқурликкача кириб борган. Сардоба паст текислигида тупроқнинг таркибий кисми супес, суглинок ва кум алмашилинишидан иборат, Тошкент вилояти Билан чегарадош дарё кисми шагал, тош кумдан иборат бўлиб, айрим жойларда супес, суглинок учрайди.

3. Вилоятнинг курик кисмида тупроқ таркиби асосан суглиноктан иборат бўлиб, унинг катлами 20-30 метрни ташкил этади. Айрим ҳудудларда гипс катламлари учраб туради. Ундан пастки катламлар кум, шагал алмашилинишидан иборат.


Сизот сувларнинг асосий кисмини тоғ олди зонасидан келаётган ер ости сув оқими ташкил килади. Юқоридан келаётган ер ости сувлари ҳудудимизда босим сувларни ҳосил қилиб сизот сувларининг туййиниш манбаи бўлиб хизмат килади. Шу билан биргаликда суғориш учун ишлатиладиган оқар сувлар, атмосфера ёғинлари ҳам сизот сувлар кутарилишига сабаб бўлади. Сизот сувларнинг ер ости ҳаракати жанубдан шимолга ва шимолий-ғарбга томон йуналгандир.

Сизот сувлар сатхи (ССС) ҳудуднинг марказий кисмида 1,5-2,0 метрдан 3,0 метргача, тоғ олди зонасида 5-10 метргача чуқурлигга жойлашган.

Фильтрация коэффициента суглинокларда 0,2-0,4 м/сут ни, супесларда 0,6-1,0 м/сут ни кумокларда 2,0-5,0 м/сут дан, 15-20 м/сут гачани, шагалларда 25-40 м/сут ни ташкил этади.

Сизот сувлар минерализацияси асосан 3-5 г/л оралигида шунингдек 5-10 г/л дан юқори майдонлари ҳам мавжуд.

Сирдарё вилояти суғориш тармоклари схемаси



АСОСИЙ ҚИСМ

3.1. Мелиорацияга сарфланадиган капитал қўйилмаларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашнинг назарий ва услубий асослари

Сув хўжалиги қурилиши кўламлари ошган ҳозирги шароитларда капитал қўйилмалар самарадорлигини ошириш муаммоси алоҳида аҳамият касб этмоқда. Инвестиция сиёсати капитал маблағлар самарадорлигини оширишни, уларни ҳал қилувчи участкаларга жамлашни таъминлаши лозим, юксак халқ хўжалик самарасига ва иқтисодиётнинг балансли ривожланишига тезда эришиш, сарфланган ҳар бир сўм ҳисобидан маҳсулотнинг ва миллий даромаднинг энг кўп ўсишига эришиш энг муҳим масала ҳисобланади.

Мелиорацияга капитал қўйилмалар самарадорлигининг моҳияти қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш мақсади билан белгиланади. Ҳозирги кунда маҳсулот бирлигига энг кам сарфлар билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, муттасил ўсиб бораётган, жамият эҳтиёжларини қондиришга кўп даражада кўмаклашадиган нарсалар самаралидир.

Мелиорация самарадорлиги мазмунини очиб, шуни таъкидлаш лозимки, гап қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг сарфлари ва натижаларини ўзаро ўлчаш формуласи устида бормоқда. Самарадорлик пировард натижани, сарфланган ресурслар самарасини акс эттиради. Бунда олинган натижалар максималлаштиришга, сарфлар эса минималлаштиришга интилади. Қилинган сарфлар ҳисобида маҳсулот қанча кўп олинган бўлса, ишлаб чиқариш самарадорлиги шунча юқори бўлади. Эришилган натижаларнинг (Φ) сарфларига (X) нисбати бўлган самарадорлик даражаси (C_d) максимумга интилади.

$$C_d = \Phi/X - \text{максимум}$$

Иқтисодий самарадорлик даражаси мезон сифатида намоён бўладиган комплекс кўрсаткич ва бошқа бир қанча хусусий кўрсаткичлари билан аниқланади. Маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга сарфланган жонли ва

ижтимоий меҳнат тежамини ишлаб чиқариш самарадорлигининг мезони деб билмоқ керак. Бу кўрсаткич мазкур ҳодиса моҳиятини энг тўла акс эттиради.

Ерлар мелиорацияси иқтисодий самарадорлигининг ўсиши бу мақсадларга энг кам сарфлар қилиб, энг кўп қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни олишга эришишдан иборатдир.

Капитал қўйилмаларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашдан асосий мақсад меҳнат ва маблағларни энг кам сарфлар, энг кўп самара олишни таъминлайдиган капитал қўйилмаларнинг энг тежамли вариантларини танлаб олишдир. Бу нарса инвестицион жараёнларининг барча босқичлари капитал қўйилмаларни лойиҳалаш ва режалаштириш, гидромелиорация тизимларини ишга тушириш босқичларида мелиорация иқтисодий самарадорлиги асосини ташкил этади.

Мелиорацияга капитал қўйилмалар иқтисодий самарадорлигини баҳолаш усуллари янада такомиллаштириш муаммоси иқтисод фанидаги муҳим муаммолардан биридир. Мелиорация қурилиш кўламлари ортиб боргани сари унинг аҳамияти ошади.

Мелиорацияга капитал қўйилмаларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ва мелиорация фондларининг хусусиятларини ҳисобга олиш зарур.

Биринчи хусусият шундан иборатки, мелиорацияга капитал қўйилмаларнинг самарадорлиги мелиорацияланган ерлардаги қишлоқ хўжалиги натижаларига кўра аниқланади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлиги, ўз навбатида, хўжалик ва молия фаолиятининг кўп томонлари орқали намоён бўлади.

Ишлаб чиқариш жараёнига ва унинг натижаларига иқтисодий ҳамда табиий омиллар таъсир кўрсатади.

Такрор ишлаб чиқаришнинг иқтисодий жараёни табиий жараён билан чамбарчас тутшиб кетадиган қишлоқ хўжалигида ер ўз хусусиятларига эга

бўлиб, капитал қўйилмалар самарадорлиги муаммоси бошқа тармоқдагиларга нисбатан анча мураккаброқ ҳал этилади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг хусусиятлари ердан, иш кучи ва моддий маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини характерловчи ўзаро боғлиқ кўрсаткичлар белгиланишини талаб қилади. Анча юқори самарадорликка меҳнат унумдорлиги ошиши билан бирга ер гектари ҳисобида маҳсулот чиқиши ҳам кўпайиб боргандагина эришилади. Ерлар мелиорацияси самарадорлиги ўсишининг хусусиятлари шундан иборатдир.

Ерлар мелиорацияси иқтисодий самарадорлиги моҳиятини аниқлашни майдон бирлигидан маҳсулот бирлигига энг кам моддий ва меҳнат сарфлари билан сифати яхшиланган қишлоқ хўжалик маҳсулотини энг кўп ишлаб чиқариш сифатида таърифлаш мумкин. Мелиорацияга капитал қўйилмалар иқтисодий самараси асосий фондлар бошқа турларига бир йўла сарфлар билан ўзаро ҳаракатда намоён бўлиши иккинчи хусусиятдир. Мелиорация фондлари деҳқончиликнинг ҳосил тақдири биринчи галда боғлиқ бўлган омилларига таъсир ўтказсада, лекин улар бошқа ишлаб чиқариш фондларидан алоҳида ажратиб олинган ҳолда деҳқончилик маҳсулотини яратиш жараёнида қатнаша олмайди. Мелиорация фондлари ер билан қўшилиб кетиб, қишлоқ хўжалик жараёнида ер, сув ва бошқа ишлаб чиқариш фондлари билан биргаликда амал қилади.

Самара мелиорация тизими ерлар ўзлаштириш ва ишлаб чиқариш йўналишидаги қишлоқ хўжалиги фондлари билан таъминлашга бир йўла сарфлар жами харажатига кўра аниқланади. Соф сув-мелиорация тадбирларининг агротехника тадбирларидан ажратилган ҳолда ҳосилдорликка таъсирини алоҳида ажратиб бўлмайди.

Мелиорациялашни ўтказишга комплекс ёндашиш қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлигининг ўсишига олиб келади. Агромелиорация комплексининг энг кўп самарадорлиги барча ишлаб чиқариш омилларининг оптимал нисбатидаги йиғиндисидан намоён бўлади. Объектив баҳолашни

мелиорацияланган ерлардан фойдаланишга комплекс ёндашишгина таъминлайди.

Мелиорацияга капитал қўйилмалар эришиладиган натижаларга дарҳол таъсир этмаслиги, сарфлар билан самара ўртасидаги вақт мобайнида узилиш бўлиши учинчи хусусиятдир. Сув хўжалиги объектлари, одатда, бир неча йил ичида қурилади ҳамда мелиорацияланадиган ерлар ҳам бир қанча йиллар мобайнида ўзлаштирилади. Мелиорация самарадорлигини ошириш учун қурилишни ва ерларни қишлоқ хўжалик йўли билан ўзлаштиришни жадаллаштириш катта аҳамиятга эга бўлади. Шунинг учун иқтисодий самарадорликни аниқлашда муваккат лагларни-қурилиш лаги ва ўзлаштириш лагини ҳисобга олиш зарур.

Қурилиш лаги-асосий фондларга авансланган капитал сарфлар муддати билан улардан олинган самара ўртасида бўладиган вақтдаги узилишдир. У тугалланмаган ишлаб чиқаришда қурилиш давридаги капитал қўйилмаларни «ишга солмай туриш» билан аниқланади. Қурилиш лагининг катталиги объект қурилиши давомийлигига ва қурилиш йиллари бўйича капитал қўйилмалар ўзлаштирилиши суммаларига боғлиқ бўлади.

Ўзлаштириш лаги-асосий фондлар ва ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилиши билан мелиорациядан тўла (лойиҳали) самара олиниши ўртасида бўладиган вақтдаги узилишдир.

Ерларни ўзлаштириш қурилишни тугалламасдан аввал бошлаш мумкинлигига қарамай, дастлабки йилларда лойиҳадаги ҳосилни қарийб олиб бўлмайди. Гидромелиорация тизимларини илгари қишлоқ хўжалик оборотидан ишлатилган ерларда қурилиш деҳқончилик тизимининг технологик ва ташкилий хўжалик асосларини анча қайта қуришга олиб келади. Бунга эса муайян вақт талаб қилинади.

Ўзлаштириш лагининг давомийлиги ишга туширилган майдонларни ўзлаштириш интенсивлигига, тупроқлар типи ва қишлоқ хўжалик корхоналари ихтисослашувига боғлиқ бўлади. Лекин гидромелиорация тизимлари ва майдонларни қишлоқ хўжалиги йўли билан ўзлаштириш

ишларини бир вақтда олиб боришда капитал қўйилмалар иқтисодий самарадорлигини ошириш учун анча кўп шароитлар яратилади.

Капитал қўйилмалар самарадорлигини баҳолашга ягона ёндашишни таъминлаш мақсадида ерларни суғориш ва захини қочириш ҳамда ўтлоқларга сув чиқаришга капитал қўйилмаларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш инструкция (услугиёт)си ишлаб чиқилган. Инструкцияда иқтисодий самарадорликни аниқлашнинг мазкур тармоқда қўлланилиши зарур бўлган қоида ва усуллари келтирилган. Унда сув хўжалиги қурилишига капитал қўйилмаларнинг халқ хўжалик самарадорлигини аниқлаш кўзда тутилади.

Халқ хўжалик самарадорлиги қишлоқ хўжалигида яратилган миллий даромад (соф маҳсулот)га асосланиб, ҳисоблаб чиқилади. Бунда соф маҳсулотнинг халқ хўжалиги даромадларида давлат буюртмаси орқали сотиладиган маҳсулотлар нархидаги фарқ оборот солиғи кўринишида акс этадиган қисми ҳисобга олинади.

Халқ хўжалик самарадорлиги ҳисоб-китобларида мелиорация қурилишига ерлар ўзлаштириш ва қишлоқ хўжалик фондларини тўлдиришга бевосита бир йўла сарфлар қаторида капитал қўйилмалар ишлаб чиқариш ҳамда ноишлаб чиқариш йўналишидаги қўшни туташ объектларни ривожлантиришга туташ сарфлар ҳам киритилади.

Ички хўжалик самарадорлиги қишлоқ хўжалиги корхоналарининг мелиорацияланадиган ерлардаги ишлаб чиқариш фаолияти натижалари бўйича ҳисоблаб чиқилади.

Услугиётда ҳар бир лойиҳани иқтисодий жиҳатдан асослашда капитал қўйилмаларнинг ҳам умумий (мутлақ), ҳам нисбий иқтисодий самарадорлиги кўрсатилади. Умумий (мутлақ) самарадорлик сарфлар ва самарани таққослаш ҳамда шу билан аниқланаётган сув хўжалиги тадбирларининг хўжалик нуқтаи назаридан мақсадга мувофиқлигини аниқлаш имконини беради.

Тармоқ услугиётининг муҳим қоидаларидан бири мелиорацияга капитал қўйилмалар самарадорлигини аниқлаш фойда бўйича эмас, балки соф фойда

бўйича олиб борилишидадир. Бу кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг хусусияти билан боғлиқ бўлиб, бу хусусият деҳқончилик маҳсулотининг анча қисми ички хўжалик истеъмоли (уруғлар, озиқалар) учун хўжаликда қолиши ва товар шаклига кирмаганлигидан иборатдир. Соф фойда ялпи маҳсулот қиймати билан унинг таннархи ўртасидаги тафовут сифатида аниқланади. Мелиорациянинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда соф даромад катталиги билан ифодаланган бутун пировард самара ҳисобга олинади. Капитал қўйилмаларнинг ўзини-ўзи қоплаши муддати ёки иқтисодий самарадорлик коэффициенти капитал қўйилмалар иқтисодий самарадорлигининг асосий кўрсаткичи ҳисобланади.

Капитал қўйилмаларнинг ўзини-ўзи қоплаши (Т) айрим қурилишлар, корхоналар ва объектлар бўйича капитал қўйилмаларнинг (К) йиллик соф даромадга (C_d) нисбати билан аниқланади.

$$T = \frac{K}{D - X} = \frac{K}{C_d}.$$

Ўзини-ўзи қоплаш муддати дейилганда соф даромаднинг капитал қўйилмаларга тенг $K = C_d * T$ суммаси олинishi таъминланадиган вақт (йилларда) тушунилади. Бу кўрсаткич капитал қўйилма соф даромадни ўртача йиллик суммасидан неча баровар кўплигини аниқлайди.

Иқтисодий самарадорлик коэффициенти (Е) ўзини-ўзи қоплаш муддатига тесқари миқдор бўлиб, йиллик соф фойданинг ($D_{\text{ч}}$) капитал қўйилмаларга нисбати билан аниқланади.

$$E = \frac{D - X}{K} = \frac{C_d}{K}.$$

Иқтисодий самарадорлик коэффициенти бир йилги соф фойда ҳисобига бир йўла сарфларнинг қайси қисми қайтиб келишини ($C_d = E * K$) ёки капитал қўйилмаларнинг бир сўмига соф фойданинг қанчаси тўғри келишини кўрсатади.

Мазкур тадбирнинг соф фойдага таъсирини аниқлаб бўлмаганда иқтисодий самарадорлик маҳсулот таннархи пасайишидан олинган

тежамнинг, бу тежамни туғдирган қўшимча капитал қўйилмаларга нисбати билан аниқланади.

$$E_{кс} = \frac{X_1 - X_2}{K_2 - K_1} = \frac{\Delta X}{\Delta K},$$

бунда: Екс-маҳсулот таннархининг камайиши ҳисобига олинадиган капитал қўйилмалар самарадорлиги

$$T_{кс} = \frac{K_2 - K_1}{X_1 - X_2} = \frac{\Delta K}{\Delta X},$$

бунда: Ткс-маҳсулот таннархининг камайиши ҳисобига капитал қўйилмаларнинг ўзини ўзи қоплаши.

Капитал қўйилмалар умумий иқтисодий самарадорлигини аниқлашнинг қараб чиқилган усуллари ишлаб чиқариш фондларига режалаштираётган ва лойиҳаланаётган қўйилмаларгагина таалуклидир.

Уларни тўғри баҳолаш капитал қўйилмаларни энг кам сарфлар билан маҳсулотнинг энг кўп миқдори олинишини таъминлайдиган объектларга йўналтиришни таъминлайди

Шу нарса равшанки, иқтисодий самарадорликнинг турли шароитларга мўлжалланган коэффиценти ҳар хил бўлиб чиқади, яъни Екчд ва Ткс катталиклари тенг эмас ва уларни таққослаб бўлмайди. Гап бирон бир муайян объект хусусида борадиган бўлса, бу катталиклардан ҳар бирини вариантлар бўйича динамикада таққослаш мумкин. Турли объектлар бўйича эса таққослашни фақат таққосласа бўладиган бир кўрсаткич бўйича ўтказиш мумкин.

Мелиорациянинг ҳақиқатдаги самарадорлигини баҳолашда сарфлар сифатида амалдаги ишлаб чиқариш фондлари намоён бўлади. Ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишнинг умумий иқтисодий самарадорлиги Ерф соф фойда суммасининг Сд ўртача йиллик ишлаб чиқариш фондлари Ф миқдорига нисбати тарзида аниқланади:

$$E_{рф} = \frac{C\partial}{\Phi} \text{ ёки } T_{рф} = \frac{\Phi}{C\partial}$$

бунда: Трф-ўзини-ўзи қоплаш муддати.

Таҳлил мақсадлари ва вазифасига боғлиқ ҳолда асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача қиймати ёки асосий ишлаб чиқариш фондлари ва меъёрланадиган айланма маблағлари суммаси ҳисобга олинади.

Иқтисодий самарадорлик таққослашда ва солиштириб қўришда маълум бўлади. Самарадорликнинг ҳисобланган коэффиценти ёки ўзини-ўзи қоплаш муддати меъёрий кўрсаткич билан солиштирилади.

Ишлаб чиқилган инструкция самарадорлик меъёрий коэффицентлари хўжаликлар ихтисослашувига боғлиқ ҳолда белгиланган: ғалла чорвачилик хўжаликлари-0,10, сабзавотчилик хўжаликлари -0,11, пахтачилик хўжаликлари -0,15, боғдорчилик узумчилик хўжаликлари-0,14, шоликорлик хўжаликлари-0,16. Капитал қўйилмалар самарадорлик коэффиценти $E_f \geq E_n$ меъёрдан кўп ёки ҳар ҳолда кам бўлмаса ўзини-ўзи қоплаш муддати $T_f \geq T_n$ меъёридан кам ёки ошиб кетмасагина самарали бўлади.

Шундай қилиб, ерлар мелиорациясига капитал қўйилмалар иқтисодий самарадорлигининг меъёрий коэффиценти халқ хўжалиги бўйича ўртача тармоқ даражасида белгилангандир. Умуман тармоқ инструкцияси капитал қўйилмаларнинг ишончли иқтисодий самарадорлигини аниқлаш имконини беради.

Ерлар мелиорациясига капитал қўйилмалар иқтисодий самарадорлигини аниқлашда мелиорация фондлари хусусиятларини ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш хусусиятларини анча тўла ҳисобга олиш зарур.

Мелиорация фондлари узоқ вақт ишлатиладиган фондлардир. Улар ўзини-ўзи қоплаш муддати (6-10 йил) тугаганидан кейин ҳам ўз истеъмол қийматини йўқотмайди, балки ишлаб чиқариш жараёнида лойиҳа унумдорлиги билан амал қилаверади. Бу мелиорация деҳқончиликда ишлаб чиқаришнинг асосий воситаси бўлган ер капитал режалаштиришдан ҳамда мелиорация тизими ишга туширилганидан сўнг ўзининг энг юқори унумдорлигига фақат 4-5 йилдан кейин эришади. Келажакда, янада мукаммал мелиорация тизимлари қуришга ўтилганда ва мелиорация

жиҳатидан анча мураккаб ерлар ўзлаштирилганда, улушли капитал қўйилмалар ортиб боради. Ерлар мелиорациясига капитал қўйилмалар иқтисодий самарадорлигининг меъёрий коэффиценти шу хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда халқ хўжалиги бўйича ўртача даражага нисбатан анча кам бўлиши керак.

Бунда мелиорациядаги бу коэффицент у анча узоқ даврга мўлжалланиб асосланганда катта пухталиқ касб этади.

Мелиорация деҳқончилигида табиий шароитлар қишлоқ хўжалиқ зоналари бўйича анча фарқ қилади. Бу эса бир турли сарфлар ҳар хил самара беришига олиб келади. Шунинг учун иқтисодий самарадорлик коэффиценти мамлакат иқтисодий регионлари бўйича дифференциацияланиши керакки, шундай қилиш капитал қўйилмаларни анча оқилона жойлаштирилишига ёрдам беради.

Капитал қўйилмалар ва ишлаб чиқариш фондлари умумий иқтисодий самарадорлигини аниқлашда самарадорлик коэффиценти билан бирга ишлаб чиқаришни иқтисодий баҳолашни тўлдирувчи бошқа кўрсаткичларни ҳам аниқлаш керак бўлади. Уларга ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг майдон бирлиги қиймати ифодасидаги миқдори, меҳнат унумдорлигини, маҳсулот таннархини, фонд самарасини, ишлаб чиқариш рентабеллигини киритиш лозим.

Лойиҳалар ва режаларни ишлаб чиқиш давомида олинган иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари режали меъёрлар билангина эмас, балки шунга ўхшаш бошқа лойиҳалар кўрсаткичлари, шунингдек, илғор корхоналар кўрсаткичлари билан ҳам таққосланади.

Режалаштириш ва лойиҳалашда оптимал вариантни танлаш учун капитал қўйилмалар нисбий иқтисодий самарадорлигининг кўрсаткичлари қўлланилади. Нисбий самарадорлик танланган вариант бошқа вариантлардан яхшими? деган саволга жавоб беради.

Капитал қўйилмалар нисбий иқтисодий самарадорлиги хўжалиқ ва техника ечимларини қабул қилишда, янги қурилиш ёки ишлаб турган

объектларни реконструкция қилиш вариантларини танлашда, техника янги турларини ажратиб олишда аниқланади. Айнан бир вазифанинг турли хил лойиха ечимлари вариант сифатида кўриб чиқилади.

Нисбий вариантлар маҳсулот ишлаб чиқариш қуввати, ҳажми, унинг сифати, сарфлар ва самара олиш вақти, нархлар ва бир қанча бошқа белгилар бўйича таққосланадиган бўлиши керак. Таққосланадиган вариантлар бўйича пировард натижалар бир хил бўлган тақдирда анча тежамли вариант сарфларини ўзаро ўлчаш йўли билан аниқланади.

Вариантларни таққослаш капитал қўйилмалар ва маҳсулот таннархи кўрсаткичлари бўйича ўтказилади. Лекин бу кўрсаткичларни ҳажмлилиқ бўйича таққослаб бўлмайди. Капитал қўйилмалар маҳсулот ишлаб чиқариш шароитларини асосий фондлар мавжуд бўлган бутун давр мобайнида таъминлайди, маҳсулот таннархи эса фақат бир йил мобайнидагина таъминлайди. Бу сарфлар таққосланадиган бўлиши учун ягона ҳажмлилиқка келтириш керак бўлади.

Келтирилган сарфлар ўз эътибори билан йиллик жорий чиқимлар (йиллик таннархининг) ҳамда самарадорлик меъёрий коэффициентига мувофиқ йиллик ҳажмлилиқка келтирилган капитал қўйилмалар суммасидир. Келтирилган сарфлар (X_k) энг кам суммасига эга бўлган вариант энг тежамли вариант ҳисобланади.

$$X_k = X + E_n \cdot K = \text{энг кам},$$

бунда: E_n -капитал қўйилмалар иқтисодий самарадорлигининг меъёрий коэффициенти.

Нисбий иқтисодий самарадорликнинг меъёрий коэффициенти 0,15 дан паст бўлмаган даражада белгилангандир. Бу капитал қўйилмалар ўзини-ўзи қоплашининг меъёрий муддати 6,4 йилдан ($1/0,15$) ошмаслигига ёрдам беради.

Келтирилган сарфлар иқтисодий амалиётда нисбатан янги кўрсаткичдир. Улар ҳисоблаш миқдоригина бўлиб қолмай, балки жамиятнинг жами чиқимларини, яъни фондларни такрор ишлаб чиқариш

сарфларини (капитал қўйилмалар) ҳамда бу фондлар амал қилиши сарфларини (йиллик маҳсулот ва хизматлар таннари) акс эттирувчи реал иқтисодий категория ҳамдир. Келтирилган сарфлар асосий ишлаб чиқариш фондларини яратиш, ўзлаштириш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ тўла халқ хўжалик сарфларини характерлайди.

Келтирилган сарфларнинг мураккаблиги, уларнинг икки ёқламалигидадир. Бир томондан ЕНК йиллик ҳажмлилика келтирилган капитал қўйилмалар сифатида намоён бўлади. Иккинчи томондан-бу соф даромаднинг жамғарма фондидан капитал қўйилмалар сарфланадиган барча ҳолларда олиниши керак бўлган энг кам миқдоридир. ЕНК ўз-ўзича самара ҳисобланмайди. Бу қисмнинг вазифаси техникани ривожлантиришга сарфланган жамғарма фондини тиклашдир.

Келтирилган сарфлар лойиҳали ечимларнинг ҳар бир варианты бўйича ҳисобланади. Тамоман равшанки, бирон-бир самарага эришишда капитал қўйилма ва таннари кам бўлган вариант анча тежамли вариант бўлади. Бир вариант бўйича капитал қўйилма (K_1) кўп ва таннари (C_1) кам, бошқа вариант бўйича эса капитал қўйилма кам (K_2) ва таннари юқори (C_2) яъни $K_1 > K_2$, $C_1 < C_2$ ёки аксинча бўлганда таққосланадиган вариантлар самарадорлигини аниқлаш қийин бўлади. Бундай ҳолларда яхши вариант келтирилган сарфларнинг энг кам суммасига кўра аниқланади.

Келтирилган сарфлар таҳлили йиллик чиқимлар билан капитал қўйилмалар ўртасидаги оптимал нисбатни топиш имконини беради. Қўшиладиган келтирилган сарфлар динамикасини таққослаш мазкур шароитлар учун кам йиллик чиқимли вариантни қабул қилиш ва катта капитал қўйилмаларга бориш ёки уларни тежаб, ишлаб чиқаришнинг анча юқори чиқимларига эга бўлиши керакми, деган саволга жавоб беради.

Капитал қўйилмалар ва ишлатиш сарфлари таркибини аниқлашда қуйидаги қоидаларга амал қилмоқ керак:

ҳисоб-китобларни соддалаштириш учун лойиҳали ечимнинг мазкур вариантига боғлиқ бир йўла ва жорий сарфларнигина таққослаш керак;

капитал қўйилмалар ва чиқимларни кўриб чиқиладиган бўғин бўйичагина эмас, балки қўшни технологик жиҳатдан боғлиқ бўғинлар бўйича ҳам ҳисобга олиш керак.

Келтирилган сарфларнинг энг кам суммаси бўйича бошқа вариантларга нисбатан яхши вариант ажратиб олинади, иқтисодий самара эса келтирилган сарфларни тежаш орқалигина ифодаланиши мумкин. Икки вариант бўйича келтирилган сарфлар ҳар хиллиги йиллик иқтисодий самарани характерлайди.

$$X_k = [(X_1 + E_n K_1) - (X_2 + E_n K_2)] A_2 = X_{k2} - X_k \cdot A_2$$

Келтирилган сарфлар кўрсаткичлари тўла суммада ҳам, мелиорацияланадиган майдоннинг 1 гектари, маҳсулотнинг 1 центнери, сувнинг 1000 м³ и, ишнинг бирлигига ва ҳоказолар ҳисобидаги улушли қиймат кўринишида ҳам қўлланиши мумкин.

Ерлар мелиорациясига капитал қўйилмаларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш турли ҳажмини таъминлайдиган вариантларни таққослашда уларни самара бўйича таққосланадиган кўринишига келтириши керак. Бунинг учун ишлаб чиқаришнинг тўла ҳажмига эга бўлган вариант асос қилиб олинади ва бошқа вариантларга нисбатан маҳсулдорлик коэффиценти ўша асос вариант бўйича аниқланади. Бошқа вариантларнинг келтирилаган сарфлари маҳсулдорлик ўсиши коэффицентига кўпайтирилади. Шу билан мазкур белги бўйича вариантлар таққосланишига эришилади.

Қурилишнинг катта муддатларида капитал қўйилмалар вақт бўйича ишлатиш чиқимлари ва даромад тушишига мувофиқ келмайди. Шунинг учун лойиҳали ечимларни иқтисодий жиҳатдан баҳолашда вақт омилини ҳисобга олиш зарур.

Капитал қўйилмалар таққосланадиган вариантлар бўйича турли муддатларда ўтказилса ёки жорий сарфлар вақт ичида ўзгарса, сарфлар таққосланиш учун ягона моментга келтирилади, сарфлар самарадорлиги уларнинг қурилиши амалга ошириладиган муддат мобайнида турлича тақсимланишига боғлиқ бўлади. Сарфлар вақтнинг бошланғич ёки охири

моментиға келтирилиши мумкин. Турли вақтдаги сарфларни бир даврга келтириш учун келтириш коэффициенти (В) дан фойдаланилади.

Анча кейинги йиллардаги сарфларни бошланғич momentiға келтириш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади.

$$B = \frac{1}{(1 + E_{nn})^t}$$

бунда: t -йилларда келтириш-даври;

$E_{n.p.}$ -турли вақтдаги сарфларни келтириш меъёри (0.08).

Сарфларни анча кеч даврга келтириш коэффициенти (қурилиш тугалланиши momentiға) қуйидагича аниқланади:

$$B = (1 + E_{n.p.})^t$$

Турли вақтдаги сарфларни бир вақтга келтиришдан вариантлар иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш учунгина фойдаланилади ва қурилиш смета қийматини ўзгартириш учун асос хизматини ўтай олмайди.

Қурилиш давомийлиги билан фарқладиган вариантларни таққослашда объект муддатидан илгари ишга туширишдан келган қўшимча самара ҳисобга олинади.

Қурилиш давомийлиги ва объектни ишга тушириш муддатини қисқартириш муддатидан олдин ишга туширилган майдонларда қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайди. Ишлатиш соҳасидаги иқтисодий самара қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ фойда ҳисобига ҳосил бўлади. Объектни ишга муддатидан илгари топширишни жадаллаштиришдан олинган самара ҳажми ($\mathcal{E}_{ув}$) қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\mathcal{E}_{ув} = E_n \Phi_{oc}(T_n - T_n)$$

Бунда Φ_{oc} -ишга муддатидан илгари туширилган асосий ишлаб чиқариш фондларининг қиймати, минг.сўм;

T_n ва T_f -қурилишнинг йиллардаги меъёрий ва ҳақиқатдаги муддатлари.

Қурилиш давомийлиги меъёрлари бузилса ва асосий ишлаб чиқариш фондларининг ишга туширилиши кечикса, маҳсулот ишлаб чиқариш

кечиқади. ҳамда халқ хўжалигига зарар келтирилади (Увф). Бунда пайдо бўладиган йўқотишлар қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$Увф = E_n \Phi_{oc}(T_{\phi} - T_n)$$

Қурилиш–монтаж ишларини бажаришни жадаллаштириш қурилиш давомийлигини қисқартириш, қурилиш ташкилотининг шартли барқарор харажатларини камайтириш ҳисобига фойда кўринишида ички хўжалик иқтисодий самарасини олишига имкон беради. Унга ишлар ҳажмига эмас, балки уларни бажариш давомийлигига боғлиқ харажатлар киради. Бундай харажатлар устама харажатлар таркибида (30-50%), машина ва механизмларини–ишлатиш харажатларида (30%), вақтбай иш ҳақи ва мукофотлар кўринишида вақтбай ишчиларга тўланадиган асосий иш ҳақи харажатларида (5%), материаллар қийматида мавжуддир.

Бу самара катталиги қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$З_{унр} = З_{унр}(1 - \frac{T_{\phi}}{T_n}),$$

бунда: $Z_{унр}$ –таннарх таркибидаги шартли барқарор харажатлар, сўм.

Вақт омили тугалланмаган қурилишни камайтириш ҳисобига капитал қўйилмалар самарадорлигига анча таъсир ўтказди. Тугалланмаган қурилишдаги капитал қўйилмалар амал қилмайдиган сарфлар ҳисобланади. Улар объект ишга туширилгандан кейингина корхонанинг асосий фондлари бўлиб қолади ва ишлаб чиқариш жараёнида қатнашади.

Қурилишнинг ҳақиқатдаги муддати меъёрий муддатларга нисбатан камайса, халқ хўжалиги қуйидаги формула бўйича аниқланадиган иқтисодий самара $\Delta_{вк}$ ни олади:

$$\Delta_{вк} = E_n (K_n T_n - K_{\phi} T_{\phi}),$$

бунда: K_n ва K_{ϕ} –тугалланмаган қурилишга капитал қўйилмаларнинг меъёрий ва ҳақиқатдаги ҳажми, минг.сўм.

Маблағларнинг тугалланмаган қурилишга қурилиш задели меъёрий муддатига нисбатан анча узоқ даврга жалб этилиши натижасида халқ хўжалигига етказиладиган зарарлар $\Delta_{вк}$ қуйидаги формула бўйича

аниқланади:

$$У_{вк} = E_n(K_{фТф} - K_{нТн}).$$

Қурилиш давомийлигини камайтириш қўшимча сарфлар талаб қиладиган ҳолларда иқтисодий самара миқдорини бир йўла кўрсатилган сарфлар суммасида камайтириш лозим бўлади.

Нисбий баҳолашда бошқа вариантларга нисбатан яхши вариант ажратиб олинади. Бунда бирон даражада яхши вариант ёмон вариантлар ичидан ажратиб олинishi ва сарфлар юқори фойдасини таъминламаслиги мумкин. Шунинг учун нисбий самарадорликни капитал қўйилмалар умумий самарадорлигининг кўрсаткичлари билан албатта тўлдириш керак.

3.2. Инвестицияларни жалб қилишнинг ҳозирги аҳволи ва унинг мониторинги

Мамлакатимизда чуқур ўзгаришлар, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча томонларини изчил ислоҳ этиш ва либераллаштириш, жамиятимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнлари жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Бунда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида белгилаб олинган ва изчил равишда амалга оширилаётган улкан вазифалар мустаҳкам замин яратмоқда.

Мустақиллик йилларида муҳтарам Президентимизнинг ташаббуси ва бевосита раҳномолигида сув хўжалигини ислоҳ қилиш бўйича жуда катта ишлар амалга оширилди. Ишлаб чиқаришга фан-техника ютуқларини, янги техника ва илғор технологияларни жорий этиш ишлари йилдан-йилга жадаллашиб бормоқда. Чекланган ер ва сув ресурсларидан, капиталдан ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги юксалмоқда.

Бу борада Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “Биз ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва унумдорлигини оширишга йўналтирилаётган инвестициялар ҳажмини бундан буён ҳам кўпайтириб борамиз. Айни пайтда ушбу мақсадлар учун йўналтирилаётган катта миқдордаги маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва уларни

мақсадли ишлатиш, замонавий технологиялар ва техникани жорий этиш борасидаги ишларни ҳам тартибга солишимиз лозим¹.

Ўтган йиллар давомида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирлари ҳукуратимизнинг доимий эътиборида бўлиб келди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 октябрдаги «Ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг тизимларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3932-сонли Фармониға мувофиқ, Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини 2008-2012 йилларда яхшилаш бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Дастурда мелиоратив тизимларни ривожлантириш ва такомиллаштириш ҳамда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашға йўналтирилган қуйидаги тадбирлар мажмуасини амалға ошириш мўлжалланган:

1. Магистраль ва хўжаликлараро зовурлар, мелиоратив тик қудуқларни, мелиоратив насос станцияларини қуриш ва қайта тиклаш, ёпиқ-ётиқ дренажларни тиклаш.

2. Мелиоратив насос станцияларини, гидротехника ва сув ўтказувчи иншоотларни ва бошқа мелиоратив объектларни таъмирлаш-тиклаш ишларини амалға ошириш.

3. Сув хўжалиғи қурилиши ва сувдан фойдаланиш ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашға қаратилган ирригация-мелиорация тадбирларини молиялаштиришға давлат бюджетидан маблағлар ажратиш ишлари давом эттирилмоқда. Жумладан, 2008 йилға бу мақсадлар учун жами 90,3 миллиард сўм ажратилган бўлса, 2011 йилға келиб бу кўрсаткич 178,6 миллиард сўмға етди. Ўтган 2008-2011 йилларда жами ажратилган маблағлар қиймати 550,0 миллиард сўмни ташкил этди.

¹Ислом Каримов. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичға кўтарадиган йил бўлади. Т.: Ўзбекистон, 2012 йил

**Республика бўйича мелиоратив тадбирларларга ажратилган
маблағлар, миллиард сўмда**

Тадбирлар номи	Жами 2008-2011 йилларда	шу жумладан:			
		2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.
Мелиоратив объектларни реконструкция қилиш ва қуриш ишларига	225,1	22,4	57,3	63,8	81,6
Мелиоратив объектларни таъмирлаш ва тиклаш ишларига	222,9	38,6	48,1	59,2	77,0
Лизинг асосида мелиоратив техникалар етказиб беришга	101,9	29,3	25,4	27,2	20,0
Жами	550,0	90,3	130,8	150,2	178,6

2010 йилда йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, ишлаб чиқариш ва коммуникация объектлари, қишлоқ хўжалиги ҳамда мелиоратив қурилишни ривожлантириш билан бир қаторда ижтимоий соҳани янги босқичга кўтариш масалалари ҳукуратимизнинг диққат марказида бўлди. Ҳозирги кунда суғориладиган ерларнинг сув таъминоти ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича қиймати 561 миллион АҚШ долларига тенг бўлган чет эл инвестициялари иштирокидаги 11 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Шундан 2010 йилда қиймати 62,25 миллион АҚШ доллари бўлган 9 та, 2011 йилда эса қиймати 112,9 миллион АҚШ долларига тенг бўлган 11 та инвестицион лойиҳа асосида ерларнинг сув таъминоти ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича комплекс тадбирлар амалга оширилди. Амалга оширилган кенг кўламли ишлар натижасида 2006-2011 йиллар давомида шўрланмаган майдонлар ҳажми 2 109 минг гектардан 2 192 минг гектарга кенгайиб, кучли шўрланган майдонлар ҳажми 163 минг гектардан 126 минг гектарга қисқарди. Ер ости сизот сувлари сатҳининг

чуқурлиги 1,5 метргача бўлган майдонлар ҳажми 2001-2011 йиллар давомида 272 минг гектардан 177 минг гектарга қисқарди.

Суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишда қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришнинг илғор, замонавий усулларини жорий этишнинг аҳамияти катта. Чунки, республикамиздаги сув танқислиги шароитида суғоришнинг замонавий усулларини қўллаш орқалигина аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига тобора ўсиб бораётган эҳтиёжини қондириш мумкин. Кейинги йилларда мамлакатимизнинг бир қатор ҳудудларида экинларни суғоришнинг янги технологиялари синовдан ўтмоқда ва қўллашга тавсия этилмоқда. Биргина 2011 йилнинг ўзида 1571 гектар ерга томчилатиб суғориш технологияси, 543 гектарга эгатга полиэтилен плёнка тўшаб суғориш тизими, 753 гектарга кўчма ва эгилувчан кувурлар орқали суғориш тизими жорий этилгани диққатга сазовордир.

Мухтасар қилиб айтганда, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида олиб борилган ишлар натижасида:

- суғориладиган ерларда ер ости сувлари сатҳи ва шўрланиш даражаси пасайиб, экин майдонларининг мелиоратив ҳолати яхшиланмоқда;
- хўжаликларни сув билан таъминлаш тизими яхшиланиб бормоқда;
- қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ортиб, хўжаликларининг даромадлари юксалмоқда.

Пировард натижада ерларнинг унумдорлиги, пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги сезиларли даражада ошмоқда.

Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётни диверсификация этиш, иқтисодиёт тармоқларининг рақобатдошлигини ошириш ҳамда маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналарининг экспортдаги ҳажмини кенгайтиришга қаратилган инвестиция фаолиятини тартибга солувчи 50 дан ортиқ ҳуқуқий-ҳужжат қабул қилинди, жумладан, “Концессиялар тўғрисида”ги, “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги, “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги, “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги 30.04.1998

йилдаги Қонуни; “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги, “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонунлар айна шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, аҳолининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган ўсиб бораётган эҳтиёжини қондириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи саноат корхоналари фаолиятини жонлантириш ва энг муҳими, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортидан келаётган валюта маблағларини кўпайтириш мақсадида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ирригация тизимларини ривожлантириш учун 2011 йилда бюджетдан 272,3 миллиард сўмлик маблағ сарфланди. Бунинг натижасида 103,5 километр узунликдаги ирригация қувурлари; секундига 13,6 куб метр сувни узатиб бериш қувватига унумдорликка эга бўлган насос станциялари, 11,7 километрлик латок ариқлар; 2 та кудук, 15 та гидротехника иншооти, 0,6 километр узунликдаги қувурлар фойдаланишга топширилди. Натижада 102,6 минг гектар майдондаги ернинг суғориш имконияти яхшиланди.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси ҳисобидан кўзда тутилган тадбирлар учун 2011 йилда 105 миллиард сўм, шундан 78,3 миллиард сўм қурилиш, лойиҳа-қидирув ва реконструкция қилишга; 20,0 миллиард сўм мелиоратив техникалар сотиб олишга; 6,7 миллиард сўм эса кредиторлик қарзларини тўлаш учун сарфланган. Агар амалга оширилган ишларнинг кўламини қайд этадиган бўлсак, ушбу жамғарма маблағларидан оқилона фойдаланиш натижасида 676,2 километрлик коллекторлар қурилди ва реконструкция қилинди; 87,1 километрга тенг бўлган горизонтал ёпиқ дренажлар, шунингдек, 13 та мелиоратив насос станцияси, 191 та мелиоратив ва 282 та кузатув қувури, 17 та гидротехник иншоотлар қуриб битказилди ва фойдаланишга топширилди.

“Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилга мўлжалланган инвестиция дастури тўғрисида”ги Президент қарорининг бажарилиши йўлида қишлоқ ва сув хўжалиги тизимини янада ривожлантириш учун тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2011-2015 йилларда амалга оширилиши кўзда

тутилган 27 та истиқболли лойиҳа бўйича 990 миллион АҚШ долларилик молиялаш манбаи белгиланди. ХХР ҳукумати, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки ва Франция ҳукумати ушбу лойиҳаларни молиялаш учун потенциал хорижий инвесторлар ҳисобланади.

2-жадвал

Марказлашган ва марказлашмаган маблағлар ҳисобидан амалга оширилган тадбирлар (2011 йил)

	Молиялаштириш манбалари	Амалга оширилган йирик тадбирлар	Ўзлаштирилган маблағлар, миллиард сўм
	Бюджет маблағлари	- сув хўжалиги тизими (ирригация ва мелиорация тадбирлари, янги сув хўжалиги иншоотлари қурилиши учун ва бошқа) ривожлантирилди - соғлиқни сақлаш тизими ислохотлари учун - таълим тизимини ривожлантириш учун - қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида - шаҳар типдаги посёлкалар, қишлоқ қурилиши учун бош режа ва архитектура лойиҳалари учун	272,3 282 31,4 41,5 2,5
	Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси	- сув хўжалиги иншоотларини қуриш, ирригация ва мелиорация тадбирлари учун	80,7

Мазкур тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида 500 минг гектардан ортиқ суғориладиган ҳудуд сув билан таъминланиб, 100 минг гектардан ортиқ ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланади. Алоҳида таъкидлаш жоизки, 2010 йилда Ўзбекистон 1976 йил 13 июнда имзоланган Халқаро қишлоқ хўжалигини ривожлантириш фонди (IFAD)ни ташкил этиш тўғрисидаги келишувга қўшилди, бу қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги инвестиция лойиҳаларини молиялашнинг қўшимча манбаи ҳисобланади.

Фонд ривожланаётган мамлакатларга қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш мақсадида имтиёзли шартларда молиявий ресурсларга беришга ихтисослашган. Хусусан, фонд 50 йилгача бўлган муддатга фақат бир фоиз миқдорида хизмат ҳақини тўлаш шарти билан фоизсиз қарзлар беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 29 октябрдаги “Ислом тараққиёт банки Қувайт Араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси ва ОПЕК халқаро тараққиёт жамғармаси” иштирокида “Сирдарё ва Жиззах вилоятларида ирригация-дренаж тармоқларини тиклаш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-1215-сонли Қарори билан Сирдарё вилоятига жами 41,3 миллион АҚШ доллари ажратилиб, шундан:

- Ислом тараққиёт банки (ИБР) 8,058,6 млн. АҚШ доллари;
- ОПЕК халқаро тараққиёт жамғармаси 9,7 млн. АҚШ доллари;
- Араб иқтисодий тараққиётининг Қувайт жамғармаси 12,2 млн. АҚШ доллари;
- Ўзбекистон Республикасининг улуши 11,3млн. АҚШ доллари миқдорида молиялаштириш мўлжалланган.
- Лойиҳани амалга ошириш муддати 2009-2014 йиллар белгиланган.
- Кредит қарз маблағларини мақсадли ва самарали фойдаланишга масъул Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги белгилаб қўйилган.

Мирзаобод туманида 3360 гектар ер майдонни комплекс реконструкция қилиш, ички суғориш ва зовур тармоқларини реконструкция қилиш ишларига жами Ислом тараққиёт банки (ИБР) 8,058,6 млн. АҚШ доллари ажратиш кўзда тутилган. Лойиҳа бўйича 2009-2014 йилларда жами 259,0 км Магистрал ва хўжаликлараро зовурлар қайта тикланиши мўлжалланган. Шундан:

- Шурузак зовури 76, 5 км
- ВЖД зовури 32,13 км., шундан:18,03 км Бахт шахридан айланиб янги зовур қуришёки таъмирлаш ишлари;

- 14,1 км реконструкция қилиш қисми.
- Қўйботган зовури 16,1 км
- Кендик зовури 28,9 км
- Овражный зовури 15,1 км
- Жеттисой зовури 34,94 км
- Боёвут зовури 33,8 км
- ВС-13 зовури 21,5 км

Юқоридаги зовурларга бириктирилган 127,5 минг гектар майдонлардаги шўрланган ер ости сизот сувларининг сатҳи лойиҳа бўйича пасайиши мўлжалланган, ундан ташқари 83,9 минг гектар майдондаги ички зовурларнинг техник ҳолатини яхшилашга замин яратилади.

Лойиҳа бўйича 2009-2014 йилларда жами 59,7 км Магистрал каналларни реконструкция қилиш мўлжалланган.

Юқоридаги каналларни реконструкциясидан кейин 32 минг гектар майдоннинг сув таъминоти яхшиланишига замин яратилади. Лойиҳа бўйича 2009-2014 йилларда жами 50 дона мелиоратив тик қудуқлар қурилиши мўлжалланган, шундан:

- Боёвут туманида 25 дона 1847,09 минг АҚШ доллари Республика бюджети ҳисобидан;
- Мирзаобод туманида 25 дона 1847,09 минг АҚШ доллари ОПЕК ҳисобидан.

Юқоридаги янги мелиоратив тик қудуқлари ишга туширилса, 3,8 минг гектар майдондаги ер ости босим сувларининг сатҳи пасайиб, мелиоратив ҳолатининг яхшиланишига кескин таъсир кўрсатади.

Қуйида келтирилган жадвалда Сирдарё вилоятида 2009-2014 йиллар давомида инвестиция маблағлари ҳисобидан бажариладиган ишлар ҳажми келтирилган (3-жадвал). Жадвалдан кўриниб турибдики, вилоятда 2009-2014 йиллар давомида ҳаммаси бўлиб 41285, 01 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция сарфланиши кўзда тутилмоқда. Шундан 11332,89 минг АҚШ доллари Ўзбекистон ҳисобидан, 8058,66 минг АҚШ доллари миқдоридагим

маблағ ИБР, 9712,26 минг АҚШ доллари ОПЕК ва 9712,26 минг АҚШ доллари КФАЭР томонидан молиялаштирилиши режалаштирилган.

3-жадвал

Сирдарё вилоятида 2009-2014 йиллар давомида инвестиция

маблағлари ҳисобидан бажариладиган ишлар ҳажми

т/р	Объект номи	Узунлиги, км	Маблағи минг АҚШ доллари	Молиялаштирувчи банк			Ўзбекистон ҳисобидан
				ИБР	ОПЕК	КФАЭР	
1.	Каналлар	59,7	10326,46	-	3470,87	-	6855,59
2.	Коллекторлар	259,02	19205,71	-	4394,3	12181,2	2630,21
3.	Тик қудуқлар	-	11752,84	8058,66	1847,09	-	1847,09
	Ҳаммаси		41285,01	8058,66	9712,26	12181,2	11332,89

Вилоят ҳудудида амалга ошириладиган мелиоратив тадбирлар натижасида деҳқонларнинг оғирини енгил қилиб экинлар ривожини учун қулай бўлган суғориладиган ерлар ҳамда қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олиш учун барча шароитлар яратилади.

Жумладан, 2010 йилда пахта ҳосилдорлиги 19,2 центнердан 20,6 центнергача ёки 1,4 ц/га, ғалла 22,4 центнердан 35 центнергача ёки, 12,6 ц/га га ошган бўлса, 2011 йилда пахта ҳосилдорлиги 19,5 центнердан 22 центнергача ёки 2,5 ц/га, ғалла 28 центнердан 37,6 центнергача ёки, 9,6 ц/га га ошди. 2012 йилда пахта ҳосилдорлиги 19,0 центнердан 22, центнергача ёки 3,9 ц/га, ғалла 35 центнердан 40,0 центнергача ёки, 5,0 ц/га га ошди.

Бундан ташқари, Сирдарё вилоятида Еттисой ва ВС-13 коллекторларни реконструкция қилиш ва 25 тик қудуқларни қайта тиклаш мақсадида 2011 йил 3 ноябр куни консорциум МЧЖ “Сирдарёсувқурилиш”, МЧЖ “Барақа қурилиш сервис”, ШК “BOTIR TAV”, МЧЖ “Гулистан инвест строй сервис” ва МЧЖ “Сувмахсустаъмир” билан шартнома имзоланиб, 1,25 млн. АҚШ доллари қийматида бўнак маблағи тўлаб берилди. Бугунги кунда ишлар шартнома асосида олиб борилмоқда. Ушбу шартнома доирасида бир қатор ишлар бажарилган бўлиб, 2012 йилда ўзлаштирилган иш ҳажми 2,2 млн.

АҚШ доллар қийматни ташкил этди. Шундан: Лойиҳа-смета хужжатлари тайёрланган ва келишилган, ҳамда инженер талаблари шартнома асосида бажарилган. 2012 йил мобайнида бажарилган ер ишлари: юқори ер катламини олиш 96,281 м³, коллектор ичида ер ишлари 110697 м³ ва коллектор янги тармоғини олиш 3, 487 м³. Таҳлил қилинаётган йиллар давомида қуйидаги ишлар амалга оширилди:

Еттисой коллектори-3,5 км (5 та эксковатор, 4 та бульдозер ишламоқда)

ВС-13- 12 км (3 та эксковатор, 1 та бульдозер ишламоқда)

25 та тик қудуқлар- 3 та тик қудуқ (1 та буровой агрегат УРБ 3М)

Temelsu-PACE консалтинг компаниясига КМИ назоратини олиб бориш вазифаси юклатилган бўлиб, бу компания томонидан доимий назорат олиб борилмоқда.

Шунингдек, 2012 йилнинг 14 август кунида маҳаллий “Народное слово” газетасида тендер эълон қилинди. Тендер натижаларини очилиш жараёни 28 сентябрда бўлиб ўтди. 4 та пудрат ташкилоти томонидан вакиллар иштирок этди. Ушбу тендер натижаларига кўра Консорциум “Барака қурилиш сервис” МЧЖ, “Калдаш-Ташкент” МЧЖ, ва “Шахзод-Шамс” ХК ғолиб деб топилди. Таклиф нархи 6,34 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Ушбу кўрсаткич кўзда тутилган бюджет қийматидан 229,1 минг АҚШ доллари миқдорида ошиб кетди. Бугунги кунда ушбу ортиқча маблағ қийматини кўзда тутилмаган харажатлар бўлимида олиб ишлатиш мақсадида розилик ишлари олиб борилмоқда.

2011 йил 1 декабр куни RIDNS/ICB/SYR-3 пакети бўйича Араб иқтисодий тараққиётининг Қувайт фондидан розилик олинди, бугунги кунда “ВЖД ва Баявут коллекторларни қайта таъмирлаш” мақсадида консорциум ОАЖ “Электротармоққурилиш”, МЧЖ “СифатҚурилиш - хизмат” ва “Primorje d.d” билан шартнома имзоланди. Ушбу шартномани амалга ошириш муддати 17 ойни ташкил этади. Ушбу шартнома доирасида бир қатор ишлар бажарилган бўлиб, 2012 йилда 1,0 млн АҚШ доллари қийматида бўнак

берилди. Шундан: Лойиҳа-смета хужжатлари тайёрланган ва келишилган, ҳамда инженер талаблари шартнома асосида бажарилган.

Сирдарё вилоятида ички хўжалик суғориш ва коллектор – дренаж тармоқларини қайта тиклаш бўйича пудратчи компанияни аниқлаш мақсадида 2012 йилнинг 28 август кунида Тендер савдолари ўтказилди. Ушбу тендер савдоларида 3 та пудратчи компаниялардан таклифлар олинди ва тендер натижаларига кўра “Интерстройсервис” МЧЖ (Озарбайжон) компанияси ғолиб деб топилди. Таклиф нархи 8,598 млн. АҚШ долларини ташкил этди, ушбу кўрсаткич кўзда тутилган бюджет қийматидан 539,4 минг АҚШ доллари миқдорида ортиқ бўлди. Бугунги кунда ортиқча маблағ қийматини кўзда тутилмаган харажатлар бўлимидан олиб ишлатилиши кўзда тутилган. Сирдарё вилоятида шунингдек, К-3-5 ва “Правая ветка” каналларини қайта таъмирлаш бўйича пудратчи компанияни аниқлаш мақсадида 2012 йилнинг 17 апрел кунида қайта Тендер савдолари ўтказилди. Ушбу тендер савдолари натижаларига кўра Концорциум “Навоийсувқурилиш” ва “Ўзмахсуссувқурилиш” ғолиб деб топилди. Шартнома қиймати 5,218 млн. АҚШ долларини ташкил этади.

3.3. «Сирдарё насос станциялари энергетика ва алоқа бошқармаси» нинг фаолияти таҳлили ва иқтисодий самарадорлиги

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг Республикадаги мавжуд гидротехник иншоотларнинг техник ҳолатини ишончлилиги ва хавфсизлигини таъминлаш, уларни тўғри ишлатиш йўлида таъсирчан ва самарали тадбирлар белгиланди. Хусусан «Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида» (1999й), «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида» ги (1993й, янги таҳрири 2009й) қонунлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29-октябрдаги «2008-2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПФ-3932 сонли Фармонида асосан ва суғориладиган ерларнинг

мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича 2008-2012 йилларга мўлжалланган ва тасдиқланган Давлат Дастури асосида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича мақсадли комплекс чора-тадбирларини амалга ошириш орқали тупроқнинг унумдорлигини тубдан ошириш кўзда тутилди.

4-жадвал

Сирдарё вилоятида 2008-2012 йилларда бажарилган мелиоратив тадбирлар

Йиллар	Мелиоратив объектларни қуриш ва реконструкция қилиш					Жами қиймати, млн.сўм
	Колектор дренаж тармоғи, км	Ёпиқ-ётиқ дренаж, км	Вертикал дренаж, км	Насос станцияси, дона	кузатув кудуғи, дона	
2008	44,9			6		2391,0
2009	35,0	25,8	30			5851,0
2010	25,7	2,8	14	4		7047,5
2011	29,6		20	7		5707,9
2012	147,2		36			7755,91
Жами:	282,4	28,6	28,6	17		29208,0

Сирдарё вилоятида 2008-2012 йилларда бажарилган мелиоратив тадбирлар тўғрисидаги маълумот 4-жадвалда келтирилган. Жадвалдан кўриниб турибдики, вилоятда мелиоратив объектларни қуриш ва реконструкция қилиш жами 29208,0 млн.сўм маблағ сарфланган. Жумладан, 282,4 километр коллектор дренаж тармоғи, 28,6 километр ёпиқ-ётиқ дренаж, худди шунча вертикал дренаж, шунингдек, 17 та насос станцияси қурилди ва реконструкция қилинди.

Ҳозирги пайтда сув ресурслари чегараланганлиги сабабли, республикада сув хўжалиги қурилишининг масштаби бир оз камайган, аммо мавжуд иншоотларни қайта қуриш, таъмирлашга катта аҳамият берилаяпти. Бунда таъмирлаш сифатини яхшилаш, иншоотларни хизмат муддатларини

чўзишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳозирги пайтда, Ўзбекистонда 4,3 млн.гадан ортиқ суғориладиган ер майдони мавжуд. Амалда барча қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосили сунъий суғориб етиштирилади. Бу ерларни суғориш учун 300 га яқин йирик гидротехник иншоотлар, шу жумладан 20 млрд. м³ сув сиғдирадиган 53 сув омбори, 65 га яқин йирик гидроузеллар, минглаб кичик гидротехник иншоотлари билан 27 минг км узунликдаги 60 магистрал ва хўжаликлараро каналлар ишлатилади. Мавжуд ер майдонининг қарийб ярми умумий сув сарфи 6,4 минг м³/с бўлган 1,5 мингдан ортиқ, шу жумладан 24 йирик насос станциялари ёрдамида суғорилади.

Шу ўринда «Сирдарё насос станциялари энергетика ва алоқа бошқармаси» да ҳам бу соҳада эътиборли ишлар амалга оширилмоқда.

Вилоятдаги 287 минг гектар суғориладиган ер майдонинг деярли 99 фоизи ҳар хил даражада шўрланган бўлиб, шундан 232 минг гектари (81%) кучсиз, 45,8 минг гектари (16%) ўртача, 4 минг гектари (2%) эса кучли шўрлангандир.

Мавжуд майдонларнинг 39 минг гектари (13%) мелиоратив жиҳатда қониқарсиз, 252 минг гектари (86%) қониқарли, 3 минг гектари (1%) эса яхши ерларни ташкил қилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29-октябрдаги «2008-2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида» ги ПФ-3932 сонли Фармони ҳамда 2008 йил 19 мартдаги “2008-2012 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда давлат дастури тўғрисида” ги ПҚ-817-сонли Қарорида белгиланган Давлат дастури доирасида охириги 5 йил мобайнида вилоятга 47,748 млрд. сўм атрофида маблағ ажратилди. Жумладан, қуриш ва реконструкция ишлари бўйича 2008-2012 йиллар давомида 54 та лойиҳа доирасида 29 млрд. 208 млн. сўмлик бюджет маблағлари ўзлаштирилиб, бунинг ҳисобига :

- 282,4 км очиқ коллектор тармоқлари;
- 28,6 км ёпиқ-ётиқ дренаж тармоқлари;

- 100 дона мелиоратив тик қудуқлар;
- 17 дона насос станцияси қурилди ва реконструкция қилинди.

Таъмирлаш ва тиклаш ишлари бўйича эса 2008-2012 йилларда 19 млрд. 34 млн. сўм маблағ ўзлаштирилиб:

- 2597,8 км очик зовурлар;
- 1246,7 км ёпиқ-ётиқ дренаж тармоқлари;
- 881 дона мелиоратив тик қудуқлар;
- 72 дона мелиоратив насосагрегатлари;
- 358 дона кузатув қудуқлари таъмирланди ҳамда
- 477 дона қувурли ўтиш жойлари қайтадан тикланди (5-жадвал).

5- жадвал

Сирдарё вилоятида 2008-2012 йилларда мелиоратив объектларни таъмирлаш ва тиклаш бўйича бажарилган ишлар

Йиллар	Мелиоратив объектларни таъмирлаш ва тиклаш						Жами киймати, млн.сўм
	Коллектор дренаж тармоғи, км	Ёпиқ- ётиқ дренаж, км	Мелиоратив тик қудуқ, дона	Мелиоратив насос агрегати, дона	Қувурли ўтиш жойи, дона	кузатув қудуғи, дона	
2008	638,7	192,0	182	18	16	27	2475,9
2009	649,3	450,0	181	22	121	139	3649,9
2010	435,1	395,0	190	12	89	37	3585,7
2011	500,0	182,1	145	12	131	71	4629,8
2012	374,7	27,6	183	8	120	84	4693,2
Жами:	2597,8	1246,7	881	72	477	358	19034,5

Вилоятдаги барча коллектор сувлари 3 та мелиоратив тизим орқали, яъни Марказий Мирзачўл коллектори (57 км-159 минг гектарга хизмат қилади), Шўрўзак коллектори (64,5 км- 76,4 минг гектарга хизмат қилади) ва ГПК коллектори (72,5 км-56,5 минг гектарга хизмат қилади) орқали чиқиб кетади.

Шунга асосан Дастур доирасида Марказий Мирзачўл коллекторининг 11,3 километри;Шўрўзак туманлараро магистрал коллекторининг 21 км қисмини реконструкция қилиш;

- Фермер хўжаликлари суғориш майдонларида янги зовурларни очиш;
- Шўрўзак мелиоратив насос станциясини ишга тушириш ҳамда янги мелиоратив насос станциялар ва бошқа иншоотлар қуриш каби муаммоли масалалар ҳал этилди.

Лойиҳа амалга оширилган ҳудудларда Ер ости сувлари сатҳи 1,0-1,5 метргача бўлган майдонлар 14315 гектардан 5910 гектарга камайди ва экинлар ривожига учун қулай бўлган суғориладиган ерлар шу миқдорга ошди.

Вилоятдаги суғориладиган ерларнинг ер ости сувлари жойлашуви 2007 йилда қуйидагича эди:

- 0,0-1,0 метргача бўлган майдонлар -642 га (0,2%);
- 1,0-1,5 метргача бўлган майдонлар -14315 га (5%);
- 1,5-2,0 метргача бўлган майдонлар -115987 га (40%);
- 2,0-3,0 метргача бўлган майдонлар -149425 га (50,8%);
- 3,0-5,0 метргача бўлган майдонлар -11852 га (4%).

2008-2012 йилларда амалга оширилган мелиоратив тадбирлар натижасида сизот сувлар сатҳи қуйидагича бўлди:

- 0,0-1,0 метргача бўлган майдонлар -23 га (%);
- 1,0-1,5 метргача бўлган майдонлар -5910 га (2%);
- 1,5-2,0 метргача бўлган майдонлар -99755 га (35%);
- 2,0-3,0 метргача бўлган майдонлар -172150 га (60%);
- 3,0-5,0 метргача бўлган майдонлар -9150 га (3%).

Бундан ташқари кучли шўрланган майдонлар 2007 йилдаги 6877 гектардан 4082 гектарга, ўртача шўрланган майдонлар 56549 гектардан 45790 гектарга камайди, кучсиз шўрланган майдонлар 4594 гектардан 5050 гектарга кўпайди.

2008-2012 йилларда амалга оширилган 124 та лойиҳа доирасида 100,3 минг гектарсуғориладиган майдонларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланиб пахта ҳосилдорлиги ушбу майдонларда 17,5 центнердан 22,9 центнергача, ғалла ҳосилдорлиги 21,9 центнердан 27,7 центнергача ошишига эришилди.

**Сирдарё вилоятига “Ўзмелиомашлизинг” давлат лизинг
компанияси орқали 2008-2012 йилларда харид қилинган мелиоратив
техника ҳақида маълумот**

Йиллар	Экскаватор	Бульдозер	Автотрейлер	Дренаж ювиш агрегати ва машинаси	Пайвандлаш агрегати	Трактор ва ёқилғи ташиш тракторлари	Автокран	Дала вағони	Амалда жамғарма томонидан ажратилган маблағ, млн. Сўм
2008			2	3	1				350
2009			2		1	2			338
2010	6	1	1					2	959
2011			2	2		1			811
2012	5	2		1			1		1345
Жами:	11	3	7	6	2	3	1	2	3803

6-жадвалда Сирдарё вилоятига “Ўзмелиомашлизинг” давлат лизинг компанияси орқали 2008-2012 йилларда харид қилинган мелиоратив техника ҳақида маълумот келтирилган. Жадвалдан кўриниб турибдики, вилоятга 2008-2012 йиллар давомида жамғарма томонидан 3803млн. сўммаблағажратилган. Ажратилган маблағга, жумладан 11 дона эксковатор, 3 дона бульдозер, 7 та автотрейлер, 6 дона дренаж ювиш агрегати ва машинаси, 3 та трактор ва ёқилғи ташиш тракторлари, 2 дона пайвандлаш агрегати ва яна шунча дала вағони, 1 та автокран лизингга олинган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 7 майдаги 92-сонли “Мелиорация ва бошқа сув хўжалиги ишларини бажаришга ихтисослаштирилган давлат унитар корхоналарини ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори асосида вилоятда “Гулистондавсுவмахсуспудрат” ДУК, “Боёвутдавсுவмахсуспудрат” ДУК ва

“Оқолтиндавсувмахсуспудрат” ДУК корхоналари ташкил қилинди ҳамда улар замонавий техника билан таъминланиб, бу ишлар давом эттирилмоқда.

2012 йилда вилоятда жами 40 та объектда 12449,1 млн.сўмлик ишлар бажарилиб, шундан:

Қурилиш ва реконструкция қилиш бўйича 18 та объектда 7,7 млрд. сўмлик, жумладан:

- Янги коллектор қуриш 140,7 км 3856,178 млн. сўм;
- Зовурларни реконструкция қилиш 2,55 км 1800 млн.сўм;
- 40 дона мелиоратив тик қудуқларни реконструкция қилинди.

Таъмирлаш-тиклаш бўйича 22 та лойиҳада 4,7 млрд. сўмлик, жумладан:

- 374,7 км зовурларни таъмирлаш-тиклаш (3452,7 млн. сўм);
- 8,124 км ёпиқ-ётиқ зовурларни ювиш (9,7 млн.сўм);
- 8 дона насос агрегатларини таъмирлаш (147,2 млн.сўм);
- 185 дона мелиоратив тик қудуқларни таъмирланди.

Ушбу тадбирларнинг бажарилиши 25 минг гектар майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланишига замин яратилди.

«Сирдарё насос станциялари энергетика ва алоқа бошқармаси» фаолиятини таҳлил қилар эканмиз, 2010-2012 йиллар давомида Қуйи Сирдарё ИТХБ қошидаги Сирдарё НСЭ ва АБ тасарруфида 39 дона насос станциялари бўлиб, уларда 100 дона насос агрегати мавжуд. Бу насос станцияларидан режа бўйича 2012 йилда 492,42 млн. кубометр сув чиқариш режалаштирилган бўлиб, амалда жами 541,52 млн. Кубометр сув чиқарилди ва 35777 минг. Квт электроэнергетика сарфланди. Ушбу кўрсаткич 2010 йилда режа бўйича 524,26 млн. кубометр режа бўйича сув чиқарилиши лозим бўлиб, амалда 534,96 млн. кубометр сув чиқарилган.

2012 йилда тўғридан-тўғри суғориш учун 434,15 минг кубометр сув чиқарилган бўлса, 2010 йилда 460,1 минг кубометр сув тўғридан-тўғри суғориш учун чиқарилган.Вилоят бўйича таҳлил ўтказилаётган йилларда 37250 гектар ер майдони оқар сув билан таъминланди. 2012 йилда насос

станцияларини ишлатишга ва электроэнергетикага сарфланган харажатлар жами 4198,7 млн. сўмни ташкил қилган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 3864,59 млн. сўмни ташкил қилган. Ҳар бир гектар ерни сувни сув билан таъминлаш учун бир кубометр сувнинг ўртача нархи 2010 йилда 7,2 сўмга тўғри келган бўлса, 2012 йилда бу харажат 10,5 сўмни ташкил қилди. Бошқарма бўйича ерларнинг мелиоратив ҳолатини ёмонлашувини олдини олиш мақсадида 17 та катта ва кичик насос станцияларидан фойдаланиб келинмоқда. Бу насослар билан 2012 йилда 107,37 млн. м³ шўр сув вилоят ҳудудидан чиқариб ташланди. 2010 йилда ушбу мақсадда 74,8 млн.м³ шўр сув чиқариб ташланган эди. Натижада 21340 гектар ернинг мелиоратив ҳолатини ёмонлашуви олдини олинди. Ҳар бир кубометр чиқарилган сувнинг нархи 2010 йилда 9,6 сўмни ташкил қилган бўлса, 2012 йилда бу кўрсаткич 11,2 сўмга тўғри келди. 2012 йилда режа бўйича 20 дона насос агрегати тўлиқ таъмирланиши керак эди, амалда 21 дона насос агрегатлари тўлиқ таъмирланиб, режа кўрсаткичлари 105% га бажарилди. 2010 йилда 25 дона насос агрегатининг ўрнига 30 дона насос агрегати таъмирланган эди. Насос агрегатларини тўлиқ таъмирлаш учун 2010 йилда 324900 минг сўм маблағ сарфланган бўлса, 2012 йилда ушбу мақсадда 184334 минг сўм маблағ сарфланди. Шунингдек, 2012 йилда 35 дона насос агрегати жорий таъмирланиши ўрнига 36 дона насос агрегати жорий таъмирланиб, режа кўрсаткичлари 103 фоизга адо этилди. 2010 йилда 50 дона насос агрегатлари жорий таъмирланиши режалаштирилган бўлиб, амалда 58 дона насос агрегати жорий таъмирланди. Насос агрегатларини жорий таъмирлаш учун 2010 йилда 324900 минг сўм маблағ сарфланган бўлса, 2012 йилда ушбу мақсадда 147452 минг сўм маблағ сарфланди.

Бундан ташқари 2012 йилда вилоят сув танқислигини олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 178-сонли Қарорига асосан 16 дона насос, 2 дона электр двигатель, 30 дона подшипник ва 400 метр кабель ўрнатилди.

Мирзачўл ерларини мелиоратив ҳолатини тик зовур қудуқлар ёрдами билан яхшилаш масаласи 1958-1959 йиллар Шурузяк массивида тажриба ўтказилиб, асосан 1963 йиллардан бошлаб амалда жорий қилиниб, ҳар йили вилоятга 30-40 донадан тик зовур қурилиб фойдаланишга топширилган. Бунинг натижасида қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги кўтарилган. Бугунги кунда вилоятда 382 дона мелиоратив тик қувурлари мавжуд бўлиб, 2012 йилда улардан 190 таси мунтазам ишлади ва 81275 минг кубометр ўта шўр сув вилоят ҳудудидан чиқариб ташланди ва бу билан вилоятдаги 53796 гектар суғориладиган ерни ерости босим сувни кўтарилиб кетишини олди олинди. 2010 йилда ушбу мақсадда 267 дона мелиоратив тик қувурлари ишлаб, 115230 минг кубометр ўта шўр сув вилоят ҳудудидан чиқариб ташланди. Бу қудуқларни ишлатишга кетган умумий ҳаражат 2010 йилда 2109231 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2012 йилда 1744378 сўм маблағ ушбу мақсадлар учун сарфланди. Ўртача чиқарилган бир кубометр сувнинг нархи 2010 йилда 18,3 сўмни ташкил қилган бўлса, 2012 йилда 21,5 сўмни ташкил қилди. 2012 йилда 122 дона мелиоратив қудуқларни сув ости насослари тўлиқ таъмирланди. 2010 йилда режалатирилган 140 дона ўрнига 143 дона насослар тўлиқ таъмирланди. 2012 йилда мелиоратив тик зовур қудуқларда 134 дона мелиоратив тик зовур қудуғи таъмирланиб, ушбу мақсад учун 554000 минг сўм сарфланди. 2010 йилда мелиоратив тик зовур қудуқларни таъмирлаш режаси 105 фоизга бажарилиб, режадаги 190 дона ўрнига 200 дона мелиоратив тик зовур қудуғи таъмирланди.

Бошқарув станцияларини таъмирлаш 2012 йилда 90 дона амалга оширилган бўлса, 2010 йилда ҳам 90 дона бошқарув ускуналари таъмирланди. Бошқарма ҳисобида жами 142 дона суғориш тик қудуғи мавжуд бўлиб, улар ёрдамида 3550 гектар ер майдони суғорилади. 2010 йилда ушбу ерларни суғориш учун 30527 минг кубометр сув чиқарилган бўлса, 2012 йилда 24139 минг кубометр сув чиқарилди ва 3320 минг кВт. Электр энергетика ишлатилди. Суғориш тик қудуқларини ишлатиш учун сарфланган умумий ҳаражат 2010 йилда 428833 минг сўм сарфланган бўлса,

2012 йилда ушбу мақсадда 460547 минг сўм сарфланди. Бир кубометр чиқарилган сувнинг нархи 2010 йилдаги 14,0 сўм ўрнига 2012 йилда 19,1 сўмга тўғри келди. 2010 йилда вилоят бўйича 47 донa сув ости насослари сотиб олинган бўлса, 2012 йилда 54 донa шундай насослар харид қилинди.

Энди бошқарманинг молиявий фаолиятини ўрганадиган бўлсак, 2012 йилда бошқармага Республика бюджетидан 9369141 минг сўм маблағ ажратилиб молиялаштирилди. Бу 2010 йилдагидан 847168 сўм кўп бўлиб, 2010 йилда ушбу маблағ 8521973 минг сўмни ташкил этган эди. 2012 йилда ушбу маблағнинг 4315501 минг сўми электрэнергетикаси учун берилди. 2010 йилда электрэнергетикаси учун берилган маблағ 4088328 минг сўмни ташкил қилган эди. Бошқарманинг 01.01.2013 йил ҳолатига дебиторлик қарзлари 323201 минг сўмни ташкил этиб, кредиторлик қарздорлик 1028 минг сўмни ташкил этди. 2011 йилнинг худди шу даврига дебиторлик қарзлари 138556 минг сўмни ташкил этиб, кредиторлик қарзлари мавжуд эмас эди. Бошқармада 2010 йилда 734903 минг сўмлик жорий таъмирлаш, 400628 минг сўмлик туб таъмирлаш ишлари бажарилган бўлса, 2012 йилда 351279 минг сўмлик жорий таъмирлаш, 381958 минг сўмлик туб таъмирлаш ишлари бажарилди.

2012 йилда лойиҳалаштирилган харажатларда Сирдарё ОАЖ “Электр-тармоқлар” корхонасига ва Жиззах вилояти Дўстлик ТЭТ ига берилаётган марказлашган электр энергетика маблағи ҳисобидан 6305,5 минг сўм қарздорликни ҳисобга олган ҳолда жами 2012 йилга ажратилган маблағ 4315501 минг сўмни ташкил қилиб, ҳақиқатда 9093147 минг сўм кам харажат қилинган. Қуйида келтирилган 7-жадвалда «Сирдарё насос станциялари энергетика ваалоқа бошқармаси» Суғориладиган шўрланган ерларнинг мелоративҳолатини яхшилланишининг иқтисодий самарадорлигини ошириш

**Сугориладиган шўрланган ерларнинг мелоратив ҳолатини
яхшиланишининг иқтисодий самарадорлигини ошириш тадбирлари**

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2011 йилга нисбатан 2009 йилда	
						Ракам	%
1	Умумий экин майдони	Минг,га	296,5	294,8	290,6	-5,9	98,
2	Шундан шўрланмаган ерлар	Минг,га	5,3	2,73	5,7	0,4	107,5
3	Енгил шўрланган ерлар	Минг,га	226,23	225,21	226,5	0,27	100,1
4	Ўрта шўрланган ерлар	Минг,га	56,38	60,78	54,4	-1,98	96,5
5	Кучли шўрланган ерлар	Минг,га	4,85	4,09	3,62	-1,23	74,6
6	Мелоратив тадбирлар ўтказиш учун сарфланган маблағлар	Млн/сум	9480,9	10633,2	10337,7	856,8	109,0
7	Экилган пахта майдони	Минг,га	83,7	83,9	84,1	0,4	100,5
8	Пахта ҳосилдорлиги	ц/га	21,6	21,9	22,6	1	104,6
9	Ғалла майдони	Минг,га	89,5	89,9	89	-0,5	99,4
10	Бугдой ҳосилдорлиги	ц/га	45,4	42,5	40	-5,4	88,1
11	Пахтачиликдан олинган яппи маҳсулот киймати	Млн/сум	101620	91695	151830	50210	149,4
12	Пахтачиликка сарфланган ишлаб чиқариш харажатлари	Млн/сум	97689	87543	135405	37716	138,6
13	Пахтачиликдан фойда	Млн/сум	3931	4152	16425	12494	417,8
14	Ғаллачиликдан олинган яппи маҳсулот киймати	Млн/сум	81249	88682	98999	17750	121,8
15	Ғаллачиликка сарфланган ишлаб чиқариш харажатлари	Млн/сум	60602	80803	90457	29855	149,3
16	Ғаллачиликдан олинган фойда	Млн/сум	20647	7879	8542	-12105	41,4

тадбирлари таҳлили акс эттирилган. Жадвалдан кўриниб турибдики, вилоятда Умумий экин майдони 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 98,0 % га камайган. Лекин, шўрланмаган ерлар миқдори таҳлил қилинаётган йиллар давомида 107,5 % га ортган. Вилоятда ўрта шўрланган ерлар ва кучли шўрланган ерлар миқдори йилдан йилга камайиб борган. Мелоратив тадбирлар ўтказиш учун сарфланган маблағлар 10337,7 млн. сўмни ташкил этиб, амалга оширилган мелиоратив тадбирлар натижасида пахта ҳосилдорлиги 21,6 центнердан 22, 6 центнергача ортган. Бугдой ҳосилдорлиги эса 88,1 % га камайиб 2011 йилда 40 центнерга етган. Пахтачиликдан олинган ялпи маҳсулот қиймати 149,4 % га ортган. Пахтачиликдан олинган фойда 2009 йилдаги 3931 млн. сўмдан 2011 йилда 16425 млн. сўмгача, яъни деярли 4 баробарга ошгин. Ғаллачиликдан олинган ялпи маҳсулот қиймати 121,8% га ортган бўлса, ғаллачиликдан олинган фойда 41,4 % га камайган.

Суғориладиган ерларнинг мелоратив ҳолатининг ҳозирги кундаги аҳволи 8-жадвал маълумотларида келтирилган. Жадвалдан кўриниб турибдики, вилоятда умумийер майдони 427,618 минг гектарни ташкил этади ва 2011 йилда 2009 йилга нисбатан ўзгармаган. Суғориладиган майдон 286,9 минг гектардан иборат. Шундан пахта экилган ерлар 110,7 минг гектар, ғалла(бугдой)экилган ерлар 89,0 минг гектарни ташкил этади. Вилоятда енгил шўрланган ерлар 231,66 минг гектарни, ўрта шўрланган ерлар 47,09 минг гектарни ва кучли шўрланган ерлар 3,62 минг гектарни ташкил этади.

9-жадвалда техника ресурслари ва улардан фойдаланиш самарадорлиги акс эттирилган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, вилоятда жами хайдов тракторлари 2009 йилда 481 та бўлган бўлса, 2011 йилга келиб 519 тага кўпайди. Чопиш тракторлари 1858 тадан 2048 тагача яъни, 110,2% га ортди. Юк ташувчи тракторлар 1501 тадан 1848 тагача, яъни 123,1% га кўпайди. Транспортда ташилган юк миқдори 2009 йилда 810000 тоннани ташкил қилган бўлса, 2011 йилга келиб 135,8% га, яъни 1100000 тоннага етди. Бир хайдов трактори билан хайдалган ер 2009 йилда 164 гектарни ташкил қилган бўлса, 2011 йилга келиб 200 гектарга етди.

8- жадвал

**Суғориладиган ерларнинг мелоратив ҳолатининг ҳозирги
қундаги ахволи**

№	Курсатгичлар	Ўлчов бирлиги	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2011 йилда 2009 йилга нисбатан	
						ракам	%
1	Умумий ер майдони	Минг,га	427,618	427,618	427,618	0	100
2	Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар	Минг,га	296,5	294,8	290,6	-5,9	98,0
3	Шу жумладан сугориладиган ерлар	Минг,га	286,9	286,9	286,9	0	100
4	Шундан экин экиладиган ерлар	Минг,га	256,9	256,8	251,3	-5,6	97,8
5	Шу жумладан шурланмаган ерлар	Минг,га	5,3	2,7	4,6	-0,7	86,8
6	Шундан пахта экилган ерлар	Минг,га	110,7	110,7	110,7	0	100
7	Пахта ҳосилдорлиги	ц/га	21,6	21,9	22,6	1	104,6
8	Ғалла(буғдой)экилган ерлар	Минг,га	89,533	89,927	89,0	-0,533	99,4
9	Буғдой ҳосилдорлиги	ц/га	45,4	42,5	40	-5,4	88,1
10	Енгил шўрланган ерлар	Минг,га	226,23	225,21	231,66	5,43	102,4
	Пахта экилган ерлар	Минг,га	83,7	83,9	84,1	0,4	100,5
	Пахта ҳосилдорлиги	ц/га	22,5	22,6	22,9	0,4	101,8
	Ғалла(буғдой)экилган ерлар	Минг,га	62,3	63,4	63,8	1,5	102,4
	Буғдой ҳосилдорлиги	ц/га	47,1	46,4	47	-0,1	99,8
11	Урта шўрланган ерлар	Минг,га	56,38	60,78	47,09	-9,29	83,5
	Пахта экилган ерлар	Минг,га	25,8	25,7	25,5	-0,3	98,8
	Пахта ҳосилдорлиги	ц/га	21,5	21,7	21,9	0,4	101,9
	Ғалла экилган ерлар	Минг,га	26,6	26,2	24,9	-1,7	93,6
	Буғдой ҳосилдорлиги	ц/га	43,2	42,6	42,1	-1,1	97,5
12	Кучли шўрланган ерлар	Минг,га	4,85	4,09	3,62	-1,23	74,6
	Пахта экилган ерлар	Минг,га	1,2	1,1	1,1	-0,1	91,7
	Пахта ҳосилдорлиги	ц/га	17	17,1	17,3	0,3	101,8
	Ғалла экилган ерлар	Минг,га	0,4	0,35	0,35	-0,05	87,5
	Буғдой ҳосилдорлиги	ц/га	37,1	36,5	36,3	-0,8	97,8

9-жадвал**Техника ресурслари ва улардан фойдаланиш самарадорлиги**

№	Курсатгичлар	Улчов бир лиги	2009 йил	2010 йил	2012 йил	2011йилда 2009йилга нисбатан %
1	Хайдов тракторлари	дона	481	496	519	107,9
2	Чопиц тракторлари	дона	1858	1948	2048	110,2
3	Юк ташувчи тракторлар	дона	1501	1696	1848	123,1
4	Хайдалган ер майдони	Минг,га	110,61	110,68	110,70	100,1
5	Транспортда ташилган юк микдори	тонна	810000	980000	1100000	135,8
6	Бир хайдов трактори билан хайдалган ер	га	164	180	200	121,9
7	Бир катор орасида ишлайдиган трактор хисобига бажарилган иш	га	54	58	60	111,1
8	Бир юк ташувчи техникани ташиган юки	т/кг	368	385	400	108,7

10-жадвал**Сув тежаш технологияларидан фойдаланишнинг
иктисодий самарадорлиги**

№	Курсатгичлар	Улчов бирлиги	2009йил	2010йил	2011йил	2011йилда 2009йилга Нисбаттан % да
1	Жами вилоятда эгатлаб сугориладиган пахта майдони	га	110,7	110,7	110,7	100
2	1 гектарга сув сарфи	М ³	1500	1450	1250	120,0
3	Жами майдонга сув сарфи	Минг/м3	166050	160515	138375	120,0
4	Пахта хосилдорлиги	ц/га	21,6	21,9	22,6	95,6
5	Ялпи пахта хосили	тонна	2391,12	2424,33	2501,82	95,6
6	1000м ³ сувга олинган хосил	кг	14400,0	15100,0	18100,0	79,6
7	Томчилатиб сугорилган пахта майдони	га	15	34	50	30,0
8	1 гектарга сув сарфи	М ³	450	400	400	112,5
9	Ялпи пахта хосили	тонна	405	1156	1900	21,3
10	Пахта хосилдорлиги	ц/га	27	34	38	71
11	1000м ³ сувга олинган пахта хосили	кг	182,25	462,4	760	24,0

Бир қатор орасида ишлайдиган трактор хисобига бажарилган иш 2009 йилдаги 54 гектарда 2011 йилда 60 гектарга етди. Бир юк ташувчи техникани ташиган юки 368 тоннадан 400 тоннагача ортди.

10-жадвалда сув тежаш технологияларидан фойдаланишнинг иктисодий самарадорлиги келтириб ўтилган. Жадвалдан кўриниб турибдики, вилоятда 1 гектарга сув сарфи 1500 м³ дан 1250 м³ гача камайган. Ҳар 1000 м³ сувга олинган ҳосил 14400,0 кг дан 18100,0 кггача кўпайган. Томчилатиб суғорилган пахта майдони 15 гектардан 50 гектаргача ортган. Томчилатиб суғорилган пахта майдонида 1 гектарга сув сарфи 450-400 м³ ни ташкил этади. Томчилатиб суғорилган пахта майдонида 1000 м³ сувга олинган пахта ҳосили 27 центнердан 38 центнергача ортган.

11-жадвал

Шўрланмаган ерларда пахта етиштиришнинг иктисодий самарадорлиги

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2011 йилда 2009 йилга нисбаттан	
						Рақамда	%
1	Пахта экилган майдон, шўрланмаган ерда	Минг, га	4,9	2,5	4,3	-0,6	0,9
2	Пахта ҳосилдорлиги	ц/га	26,5	26,9	27,2	0,7	1,0
3	Ялпи ҳосил	тонна	13000	6700	1170	-1300	0,9
4	Етиштирилган пахтанинг умумий киймати	Минг/сум	5535400	2856880	7096050	1560650	1,3
5	Пахта етиштириш га сарфланган харажат	Минг/сум	5320900	2727570	6328530	1007630	1,2
6	Пахтачиликдан олинган фойда	Минг/сум	214500	129310	767520	553020	3,6
7	Пахта етиштиришнинг рентабеллиги	%	3,9	4,5	10,8	35,4	276,9
8	Бир сум харажатга олинган фойда	сум	0,039	0,05	0,108162	0,35	2,8 марта

11-жадвалда шўрланмаган ерларда пахта етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги акс эттирилган. Жадвалдан кўриниб турибдики, йилдан йилга пахта етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги ортиб борган ва рентабеллик даражаси 3, 9 %дан, 35,4 % гача ортган. Пахтачиликдан олинган фойда 3,6 мартага ортган.

Енгил шўрланган ерларда пахта етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги

12-жадвал

№	Курсатгичлар	Улчов бирлиги	2009ЙИЛ	2010йил	2011ЙИЛ	2011йил2009йилга нисбаттан	
						Ракам	%
1	Мелоратив тадбирларга сарфланган капитал харажатлар	Минг/сум	9480900	10633200	10337700		
2	Пахта экилган майдон	Минг,га	83,7	83,91	84,155		
3	Пахта хосилдорлиги	ц/га	22,5	22,6	22,9		
4	Ялпи пахта хосили	тонна	188325	189637	192715		
5	Пахтадан ялпи махсулот киймати	Минг/сум	80188785	80861217	116881647		
6	Пахтага сарфланган ишлаб чиқариш харажатлари	Минг/сум	77081422	77201223	104239543		
7	Пахтачиликдан олинган фойда	Минг/сум	3107363	3659994	12642104		
8	Рентабиллик даражаси	%					
9							

3.4. Сув ҳўжалигига инвестицияларни жалб қилиш истиқболлари

Иқтисодиётни таркибий ўзгартиришда Ўзбекистон йирик халқаро молия институтлари, ҳукумат ташкилотлари ва хорижий банкларни, биринчи навбатда мамлакатимиз билан йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича ўзаро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга катта қизиқиш билдираётган Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислон тараққиёт банки, Япония, Жанубий Корея ва ХХР тараққиёт банклари, қатор араб давлатларининг инвестиция фондларини жалб этиш масаласига катта аҳамият бермоқда.

Жумладан, 2011-2015 йилларда таркибий ўзгаришларни, иқтисодиётнинг соҳа ва тармоқларини диверсификация ва модернизация қилишни изчил давом эттириш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш, шунингдек, транспорт, муҳандислик, коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш жараёнларини янада чуқурлаштиришга қаратилган фаол инвестиция сиёсати олиб борилади.

Ушбу мақсадлар учун 2011-2015 йиллар давомида охириги беш йил мобайнида ўзлаштирилган инвестицияларга қараганда 2 баробар кўп, жами 77,4 миллиард доллар миқдоридаги инвестицияларни йўналтириш мўлжалланмоқда. Асосий капиталга киритилаётган инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан улуши 24 фоиздан кам бўлмаслиги таркибий ўзгартиришларни жадал амалга ошириш ва иқтисодиётни модернизация қилишни таъминлайди.

Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг асосий ҳажми ички ресурсларни сафарбар қилиш ҳисобидан амалга оширилади. Келгуси йилларда бу кўрсаткич ялпи капитал қўйилмалар ҳажмининг 76 фоизини ташкил этади.

Бу маблағлар, аввало, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни амалга ошираётган корхоналарнинг ўз маблағларини кўпайтириши, солиқ юкини янада камайтириш, тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш ва аҳолининг тадбиркорлик фаолиятидан оладиган даромадларини ошириш ҳисобидан ҳосил бўлади.

Стратегик муҳим, биринчи навбатда, инфратузилмани шакллантириш, ишлаб чиқаришни реконструкция қилиш ва модернизация этишга қаратилган лойиҳаларни амалга оширишга ички ресурсларни жалб этишда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси алоҳида ўрин эгаллайди. Мазкур жамғарманинг таркибий ўзгаришлардаги тобора ортиб бораётган ролини инобатга олган ҳолда, яқин йилларда унинг ҳисобида 10 миллиард доллардан зиёд маблағ жамланади.

2011-2015 йилларда жами хорижий инвестиция ва кредитлар ҳажми 18,6 миллиард долларни ташкил этиши ёки ўтган беш йилдагига нисбатан 2 баробар кўп бўлиши прогноз қилинмоқда. Уларнинг 75 фоиздан ортиғини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил этади. Бу борада қарз маблағлари узоқ муддатли асосда фақат ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ривожлантириш, иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини модернизация қилиш, шунингдек, хорижий молиявий институтларнинг кредит линияларини мамлакатимиз тижорат банклари орқали қайта молиялаштириш йўли билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилган инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга жалб этилади.

Шунингдек, вилоятда 2013 йилда Давлат дастури бўйича жами 36 та объектда 20 млрд. 212 млн.сўмлик ишлар, шундан: Таъмирлаш-тиклаш ишлари бўйича 16 та лойиҳада 8095,9 млн. сўмлик ишларнинг бажарилиши режалаштирилиб, жумладан:

- 392 км ёпиқ-ётиқ зовурларни таъмирлаш;
- 668,5 км очик зовурларни таъмирлаш-тиклаш;
- 8 дона мелиоратив насос станцияларини таъмирлаш;
- 120 дона мелиоратив тик қудуқларни таъмирлаш;
- 201 дона қувурли ўтиш жойларини тиклаш;
- 152 дона кузатув қудуқларини тиклаш;

Қуриш ва реконструкция қилиш ишлари бўйича 20 та объектда 12116,5 млн.сўмлик ишларнинг бажарилиш режалаштирилган, жумладан:

- 77,6 км зовурлар қуриш ва реконструкция қилиш;
- 0,8 км ёпиқ-ётиқ дренажларни тиклаш;
- 4 дона гидротехник иншоотларни қуриш ва реконструкция қилиш;
- 20 дона тик қудуқларни қуриш ва реконструкция қилиш;
- 250 дона кузатиш қудуқларини қуриш режалаштирилган.

Ушбу тадбирлар ҳисобига 11151 гектар майдоннинг мелиоратив ҳолатини яхшиланиши, 2322 км очик ва ёпиқ зовурлар таъмирланиши, 162 дона

тик қудуқлар талаб даражасида таъмирланиши, 4,1 минг гектар кучли шўрланган, кам ҳосилли майдонларнинг сизот сувлар сатҳи пасайтирилиши, пахта ҳосилдорлиги 19,2 центнердан 22,9 центнергача, ғалла ҳосилдорлиги 22,4 центнердан 40 центнергача ўсиши кўзда тутилмоқда.

Бугунги кунда янгидан бошланадиган 28 та лойиҳадан 23 тасида лойиҳа қидирув ишлари якунланиб, 15 та лойиҳа экспертизага топширилди ва 6 та лойиҳа бўйича тендер танловлари эълон қилинди.

Капитал қурилиш маблағлари ҳисобидан 2012 йилда 3 та лойиҳа бўйича 2,8 млрд. сўм ўзлаштирилиб 17,3 км суғориш тармоқлари реконструкция қилиниб 3560 гектар майдоннинг сув таъминоти яхшиланди. 2013 йилда капитал қўйилмалар ҳисобидан 6 та лойиҳа бўйича 5658,1 млн. Сўмлик маблағ ўзлаштирилиб, 41,2 км суғориш тармоқларининг реконструкция қилиниши режалаштирилган ва бунинг натижасида 8,5 минг гектар майдоннинг сув таъминоти яхшилиниши кутилмоқда. Ўзбекистон республикаси Президентининг 2009 йил 29 октябрдаги “Ислом тараққиёти банки, Қувайт Араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси ва ОПЕК халаро тараққиёт жамғармаси иштирокида “Сирдарё ва Жиззах вилоятларида ирригация –дренаж тармоқларини тиклаш” лойиҳасини Ислом тараққиёт банки, Араб иқтисодий тараққиётининг Қувайт фонди ва ОПЕК халқаро тараққиёт фонди иштирокида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ 1215-сонли Қарорига асосан Сирдарё вилоятига 41,3 млн. АҚШ доллари маблағ ажратилиб, 2012 йил давомида 3,27 млн. АҚШ доллари ўзлаштирилди. Лойиҳа доирасида вилоятдаги Еттисой ва ВС-13 коллекторларини реконструкция илиш ҳамда ВЖД ва Боёвут коллекторларини қайта таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Лойиҳа доирасида Боёвут туманида ички суғориш тармоқларини тиклаш учун 1,4 млн. АҚШ доллари ва 10 та вертикал дренажларни қайта тиклаш учун 1,5 млрд. сўмлик маблағ ажратилди. 9 та корхонага 4,4 млн. АҚШ доллари миқдорида 39 дона эксковаторлар сотиб олиш учун маблағ ажратилди.

ҲУҚУҚИЙ ҚИСМ

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Ерларнинг
мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш
чора-тадбирлари тўғрисида”**

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада барқарор ривожлантириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, уларнинг унумдорлигини ошириш ва шу асосда қишлоқ хўжалиги экинлари хосилдорлигини кўпайтириш, шунингдек мелиорация ишларини ташкил қилиш ва молиялаштириш механизминини такомиллаштириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида:

1. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш 2008-2012 йиллар даврида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг кўйидагиларни назарда тутувчи энг муҳим устувор вазифалари этиб белгилансин:

мелиорация ишларининг буюртмачилари ва ижрочилари ўртасида вазифаларни қатъий тақсимлаш ҳамда уларнинг жавобгарлигини ошириш асосида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш дастурларини шакллантириш ва амалга оширишга ёндошувларни тубдан ўзгартириш;

мелиорация шохобчаларининг самарали ишлашини, дренаж ва оқава сувларнинг коллектор-дренаж тармоғи орқали нормативга мувофиқ чиқарилишини таъминлайдиган ушбу шохобчаларни сақлаш механизминини сифат жиҳатидан такомиллаштириш;

2. Лизинг операцияларини кенг жорий этиш йўли билан сув хўжалиги ташкилотлари ва сувдан фойдаланувчилар уюшмаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, мелиорация техникаси саройини янгилаш. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмасининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси тузилмасини, унинг Кенгаши таркибини, шунингдек унинг ижро этувчи органи - Жамғармани бошқариш Департаменти тузилмасини тасдиқласин.

Қуйидагилар мазкур Жамғарманинг асосий вазифалари деб ҳисоблансин: бюджет ва бюджетдан ташқари манбалар ҳисобидан мелиорация ишларини ўтказиш учун мўлжалланган маблағларни тўла ҳажмда Жамғарма ҳисобварағида жамлаш;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ҳамда ихтисослаштирилган ташкилотлар билан биргаликда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг узоқ муддатли ва ўрта муддатли Давлат дастурларини ишлаб чиқиш;

тасдиқланган дастурларга мувофиқ мелиорация ишларини, магистрал (вилоятлараро), туманлараро ва хўжаликлараро коллектор-дренаж тармоқларини мукаммал таъмирлаш ва тиклаш мақсадида жорий таъмирлаш ишларини ташкил қилиш ҳамда тизимли асосда аник, мақсадли молиялаштириш;

ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳисобига уларнинг унумдорлигини ошириш борасидаги ишларни молиялаштириш йўли билан қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига давлат мададини кўрсатиш;

мелиорация техникасини, жумладан, лизинг шартлари асосида сотиб олиш учун қайтариб бериш асосида маблағлар ажратиш йўли билан сув хўжалиги ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастурига киритиладиган лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган лойиҳа-кидирув ҳужжатларини ишлаб чиқишга;

ихтисослаштирилган қурилиш ва эксплуатация ташкилотлари, сувдан фойдаланувчилар уюшмаларининг мелиорация техникаси саройини янгилашга маблағни қайтариб бериш асосида, шу жумладан узоқ муддатли имтиёзли лизинг шартларида молиялаштириш тадбирларига;

суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастурларида назарда тутилган бошқа ишларга йуналтирилган ҳолда фойдаланилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, «Давархитектқурилиш» қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 2007 йилнинг 15 ноябригача бўлган муддатда 2008 йилда биринчи навбатда реконструкция қилинадиган ва қуриладиган объектларни белгилаб берган ҳолда 2008—2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастурини ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2008 йилнинг 1 январигача ихтисослаштирилган қурилиш ва эксплуатация ташкилотлари, сувдан фойдаланувчилар уюшмаларини мелиорация техникаси билан таъминлаш бўйича ихтисослаштирилган лизинг компаниясини ташкил этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўрсин.

5. Қуйидагилар:

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси — барча турдаги солиқлар, йиғимлар, божлар ва мақсадли давлат жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан, ягона ижтимоий тўлов, шунингдек божхона расмийлаштируви йиғимлари бундан мустасно;

2008—2012 йиллар мобайнида жамғарма маблағлари ҳисобидан суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича пудрат ва

бошқа хизмат кўрсатиш ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган ишлар ва хизматлар -қўшилган қийматсолиғи тўлашдан;

ташкил этиладиган ихтисослаштирилган лизинг компанияси беш йил муддатга - бўшайдиган маблағларни мелиорация техникаси етказиб берилишини молиялаштириш манбаларини тўлдиришга мақсадли йўналтирилган холда умумдават ва маҳаллий солиқлар тўлашдан, шунингдек сотиб олинadиган мелиорация техникаси учун божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод этилсин.

Жамғарманинг ажратиб берилган молиявий маблағларидан мақсадли, аниқ ва самарали фойдаланилиши устидан доимий асосда қаттиқ назоратни амалга ошириб бориш.

6. Қуйидагилар суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини шакллантиришнинг асосий манбалари этиб белгилансин:

қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан тўланадиган ягона ер солиғи бўйича Давлат бюджетига тушадиган маблағлар;

халқаро молия институтлари ва хорижий банкларнинг имтиёзли кредитлари;

маҳаллий ва хорижий грантлар;

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа маблағлар манбалари ва даромадлар.

7. Белгилансинки, Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағларидан факат қуйидаги мақсадларга:

магистрал (вилоятлараро), туманлараро ва хўжаликлараро очик коллекторлар, вертикал дренаж кудуклар, мелиоратив насос станциялар ва кузатиш тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва тозалаш, шунингдек суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастурлари доирасида ёпик горизонтал дренаж шохобчаларидаги таъмирлаш-тиклаш ишларини ўтказишга.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги

Объектимиз Сирдарё вилояти жойлашган. Асосий вазифаси ўз тасарруфида бўлган корхона, ташкилот ва суғориладиган майдонларга сув етказиб беришдан иборат. Объектимиздаги сув каналлари, насос станциялари, коллекторлар ва тик зовурларда турли хавфли ходисалар юз бериб атроф муҳитга зарар ва талофот етказиши мумкин. Объектимиз худудида юз берадиган фавқулодда вазият эҳтимоли бўлган зилзила, ер сурилиши, кучли шамол, қурғоқчилик, сув тошқини каби фавқулодда вазиятларнинг оқибатларини тугатиш ва камайтириш чора-тадбирларини кўриб ўтамыз.

Дунёда шу даврга қадар табиий офатлар доимий равишда бўлиб келди ва бундан кейин ҳам юз бериши эҳтимоллари кўп.

Табиий офат – бу табиатда юз берадиган фавқулоддаги ўзгариш бўлиб, у бирдан, тезликда инсонларнинг мўътадил яшаш, ишлаш шароитларини бузилиши, одамларнинг ўлими ҳамда қишқоқ хўжалиги ҳайвонларининг, моддий бойликларнинг йўқ бўлиб кетиши билан боғлиқ ходисалардир.

Табиий офатларнинг турлари хилма-хил: ер силкиниши, сув тошқини, кучли шамол, ёнғин, қурғоқчилик, ер сурилиши ва бошқалар. Бу турдаги табиий офатлар бир-бирига боғлиқ ҳамда боғлиқ бўлмаган ҳолда алоҳида юзага келиши мумкин. Яъни бир табиий офатнинг бошқа офат оқибатида юзага келишидир. Масалан, ўрмонда ёнғинларнинг келиб чиқиши, тоғли жойлардаги ишлаб чиқариш портлашлари, платинал қуришда ернинг сурилишига, қорларнинг кўчиши ва бошқа офатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Ҳеч нарсага боғлиқ бўлмаган табиий офатлар жуда катта миқёсда ва турли вақтларгача бир неча сония дақиқадан (ер сурилиши, ер силкиниши, қор кўчиши) бир неча соатларгача (кучли қор ва ёмғир ёғиши), хатто кун ва ойгача (сув тошқини ва ёнғин бўлиши) чўзилиши мумкин.

Табиий офатлар ҳамма жойларда ҳам юзага келавермайди. Жумладан, ер силкиниши, ер сурилиши офатлари кўпроқ тоғли худудларда

кузатиладики, бунинг оқибатида нафақат инсонлар, балки халқ хўжалиги тармоқлари, хатто атроф- муҳит каттиқ шикастланади.

Яна кучли ёғингарчилик, қор ёғиши натижасида сув тошқини кузатиладики, оқибатда фуқароларнинг яшаш жойлари, саноат корхоналари, темир ва магистрал йўллар, гидротехник иншоотлар издан чиқади.

Худди шунга ўхшаш таъсирлар ер сурилиши, қор кўчиши, қурғоқчилик, кучли шамоллар таъсирида ҳам кузатилиб, охир оқибатда инсонлар катта- ҳам маънавий, ҳам моддий зарар кўрадилар.

Табиий офатнинг ҳар қайси шакллари ўзларининг физик маъносига, келиб чиқиш сабабларига, ўзларининг тавсифига, кучига ва ташқи атрофга таъсир кўрсатиш хусусиятларига эга. Табиий офатни ўз вақтида билиб, унинг тавсифлари ва сабаблари аниқ ўрганилса, бу офатларнинг олдини олиш ёки уларнинг зарар келтириш хусусиятлари бирмунча камайтирилган бўлади. Табиий офатларга қарши кураш чораларидан бири бу халқни ўз вақтида воқиф этиш ҳисобланади. Бу эса табиий офатдан келадиган зарарларни бирмунча камайтириш имкониятини вужудга келтиради.

Ер силкиниши ва унинг оқибатлари

Ер силкиниши юзага келиш сабабларига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- Тектоник зилзилалар
- Вулқон зилзилалар
- Ағдарилиш, ўпирилиш зилзилалари
- Техноген (инсоннинг муҳандислик фаолияти билан боғлиқ) зилзилалар.

Ер силкиниш кучига қараб қуйидаги ҳолатлар кузатилади:

- 1 балл- сезиларсиз, фақатгина сейсмик асбоблар қайд қилади;
- 2 балл- жуда кучсиз, уй ичида ўтирган баъзи одамлар сезиши мумкин (дераза ойналари титрайди);
- 3 балл- кучсиз, кўпчилик одамлар сезмайди, очик жойда тинч ўтирган одам сезиши мумкин. Осилган жисмлар аста-секин тебранади;

4 балл- ўртача сезиларли. Очик жойда, бино ичида турган одамлар сезади. Уй деворлари қирсиллайди. Рўзғор анжомлари титрайди, осилган жисмлар тебранади;

5 балл- анча кучли. Ҳамма сезади, уйқудаги одам уйғонади, баъзи одамлар ҳовлига югуриб чиқади. Идишлардаги суюқлик чайқалиб тўкилади, уй жиҳозлари қаттиқ тебранади;

6 балл- кучли. Ҳамма сезади, уйқудаги одам уйғонади, баъзи одамлар ҳовлига югуриб чиқади. Уй ҳайвонлари бетоқат бўлади. Баъзи ҳолларда китоб жавонидаги китоблар, рўзғор буюмлари, жавонлардаги идишлар ағдарилиб тушади;

7 балл- жуда кучли. Кўпчилик одамларни кўрқув босади, кўчага югуриб чиқади, автомобил ҳайдовчилари ҳаракат вақтида ҳам сезади, уй деворларида катта-китта ёриқлар пайдо бўлади;

8 балл- емирувчи. Хом ғиштан қурилган уйлар бутунлай вайронага айланади, анча пишиқ қилиб қурилган уйларда ҳам ёриқлар пайдо бўлади, уй тепасидаги мўрилар йиқилади, баъзи дарахтлар бутун танаси билан йиқилади, синади. Тоғлик жойларда қулаш, сурилиш ходисалри юз беради.

9 балл- вайрон қилувчи. Ер қимирлашига бардош берадиган қилиб қурилган иморатлар ва иншоотлар ҳам қаттиқ шикастланади. Оддий иморатлар бутунлай вайрон бўлади, ер юзасида ҳам ёриқлар пайдо бўлади, ер ости сувлари сизиб чиқиши мумкин;

10 балл- яксон қилувчи. Ҳамма иморатлар яксон бўлади. Темир йўл излари тўлқинсимон шаклга келиб бир томонга қараб эгилиб қолади, ер ости коммунал қувурлари узилиб кетади, чўкиш ходисалари юз беради. Сув ҳавзалари тўлқинланиб қирғоққа урилади, қояли ён бағрларда катта-катта сурилиш ходисалари содир бўлади;

11 балл- фожиали. Ҳамма иморатлар деярли вайрон бўлади, тўғонлар ёрилиб кетади, темир йўллар бутунлай ишдан чиқади, ернинг устки

қисмида катта-катта ёриқлар пайдо бўлади, ер остидан балчиқлар кўтарилиб чиқади, сурилиш қулаш ходисалари ниҳоясига етади;

12 балл- кучли фожиали. Ернинг устки қисмида катта ўзгаришлар юз беради. Ҳамма иморатлар бутунлай вайрон бўлади, дарёларнинг ўзани ўзгариб, шаршаралар пайдо бўлади, табиий тўғонлар вужудга келади.

Иншоотлар кўрадиган талофотлар қуйидагича тавсифланади.

1-даражали талофот. Бунда енгил шикастланиш юз беради.

2-даражали талофот. Оғир бўлмаган шикастланиш содир бўлади, деворларда катта бўлмаган ёриқлар пайдо бўлади.

3-даражали талофот. иншоотларнинг оғир шикастланиши юз беради, деворларда катта ва чуқур ёриқлар пайдо бўлади.

4-даражали талофот. Иморат ва иншоотлар ички деворларининг тўлиқ бузилиши юз беради.

5-даражали талофот. Иморат ва иншоотлар тўлиқ бузилиши юз беради.

Ер силкиниши оқибатларини тугатиш чора-тадбирлари

Ер силкиниши оқибатларини тугатишда ишга яроқли ҳар бир киши иштирок этиши зарур ва қуйидаги ишлар бирламчи ҳисобланади:

- Ер тагида, бузилган ва ёнаётган уйда қолган одамларни қутқариш.
- Ишлаб-чиқариш, коммунал-энергетик тизимларда содир бўладиган аварияларнинг олдини олиш ва тўғирлаш (чунки булар инсон ҳаётига хавф солади).
- Бузилган уйларни, иншоотларни тиклаш.
- Талофот кўрганларга тиббий ёрдам кўрсатиш шахобчаларини тайёрлаш.
- Ер силкиниш ўчоғида сув таъминотини тиклаш.

Ер сурилиши, унинг сабаблари ва талофотлари

Тоғ жинслари қатламларини қия сатҳ бўйлаб ўз оғирлиги, гидродинамик, гидростатик, сейсмик кучлар таъсирида сурилишига ер сурилиши дейилади. Ер сурилишининг вужудга келиш қонуниятларини, уларнинг динамикасини ўргани катта аҳамиятга эга. Бу қурилиш ишларини олиб бориш шароитини аниқлашда халқ хўжалиги иншоотларини ва инсон ҳаётини сақлашда муҳим омил ҳисобланади.

Ер сурилиши оқибатида халқ хўжалиги катта зара кўради, баъзи йирик иншоотлар, йўллар бир неча юз метрга суриб ташланади, катта- катта экин майдонлари фойдаланишга бутунлай яроқсиз бўлиб қолади, бутун-бутун қишлоқлар, шаҳарлар вайрон бўлади, минглаб кишилар бошпанасиз қолади, ҳалокатга учрайди.

Ер сурилишининг юзага келишига қуйидаги омиллар сабаб бўлади:

- Тоғ ён бағри этакларининг табиий ҳолатини оқар сувлар, сув омборлари таъсирида бузилиши ҳамда режасиз олиб борилган қурилиш ишлари;
- Қия сатҳларда тарқалган тоғ жисмларининг хосса ва хусусиятлари, мустаҳкамлик даражасининг ўзгариши, суғориш ишлари, қор-ёмғир сувлари таъсирида намлигининг ортиши;
- Тоғ жисмларига ер ости сувлари (гидродинамик) ва ер устки сувлари (гидростатик) босимининг таъсири;
- Тоғ жинси зичлигини ва мустаҳкамлигининг, бурғилиш ҳамда тоқавлаш ишлари натижасида бузилиши;
- Тектоник ва сейсмик кучлар таъсири. Сурилишни юзага келишида ҳудуднинг иқлим ҳамда гидрогеологик шароитлари ва бошқалар.

Ер сурилиши офатидан сақланишнинг ишончли омили, бу халқни ўз вақтида огоҳ этиш ҳисобланади. Ҳозирги кунда ҳам республикамизнинг баъзи вилоятларида ер сурилиши эҳтимоли бор ҳудудлар мавжуд бўлиб, ҳукуматимиз ва фуқаро муҳофазасининг мутасадди ходимлари томонидан

доимий равишда хавфли минтақада яшовчи фуқаролар огоҳлантирилиб борилмоқда.

Сув тошқини ва унинг талофотлари

Сув тошқини ҳам табиий офатлар ичида энг хавфлиси ҳисобланади. Сув тошқини деб, дарё, кўл, ховузлардаги сув сатҳининг кескин кўтарилиши натижасида маълум майдонлардаги ерларни сув тагида қолишига айтилади.

Сув тошқинига турли омиллар сабабчи бўлади:

- Кучли ёмғир ёғиш оқибатида (жала, сел қуйиши;
- Қорларнинг сурункали эриши натижасида;
- Кучли шамол эсиши натижасида;
- Оқар дарёлардаги музликларнинг йиғилиб, сунъий тўғон ҳосил қилиши;
- Тоғ жинсларининг нураши, сурилиши ёки бошқа сабаблар билан сув сақлаш омборларининг бузилиши оқибатида.

Сув сақлайдиган омборларни ҳар хил фалокатлардан асраш учун ҳамма турдаги омиллар, эҳтиёт чоралари кўриб қўйилган бўлиши зарур. Жумладан, бирламчи ва иккиламчи сақловчи платина қуриш, ҳар бир бошқа сақловчи омиллар белгиланиши зарур.

Сув тошқини пайтида маълум қисм одамлар (қутқаручилар) шу фалокат худудида қолиб, имкони борича қилинадиган ишларни бажаришлари зарур. Аммо улар сув остида қолган овқатларни емасликлари, сув ичмасликлари керак. Сув тошқини ўтиб бўлгандан кейин фуқаролар ўзларининг доимий яшаш жойларига қайтиб келиб, тошқин оқибатларини бартараф этиш чоар тадбирларини бошлаб юборадилар. Улар қуйидагилардан иборат:

- Сув босган жойлардаги сувни чиқариб ташлаш ва қуриштиш;
- Уйларнинг ертўлаларидаги сувларни чиқариб ташлаш;
- Тошқин натижасида бузилган жойларни, маиший-энергетик тармоқларни, йўлларни, кўприкларни ва бошқаларни қайта тиклаш.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Маълумки, бугунги иқтисодий эркинлаштириш шароитида фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда замонавий, юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришни ташкил этишни тезлаштириш борасида Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўлини ўзида мужассам этган Ўзбек моделининг энг муҳим тамойилларидан бири бўлган давлатнинг бош ислохотчи экани ҳақидаги принципдан келиб чиқиб, давлат томонидан оқилона, фаол инвестиция сиёсати олиб борилмоқда. Иқтисодийтимизга киритилаётган инвестицияларнинг йилдан-йилга ўсиб боришида юртимиздаги мавжуд инвестицион шароит ва қулай инвестиция муҳити алоҳида аҳамият касб этаётганини таъкидлаш жоиз. Мамлакатимизда Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда инвестицияларни жалб этиш, аввало, ички манбаларни сафарбар этиш ҳисобидан иқтисодийтимизнинг муҳим тармоқларини жадал модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш ва ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш ҳал қилувчи устувор йўналишга айланди. Мамлакатимизда инвестицияларни жалб этишда аввало ички манбаларни сафарбар этишга устувор аҳамият қаратилмоқда. Бу янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш ёки мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини янада кенгайтиришда инвесторларнинг ўз молиявий ресурслари – корхона фойдаси, амортизация ажратмалари, пул жамғармалари ва бошқалардан кенгроқ фойдаланиш зарурлигини англатади. Чунки, ички манбаларнинг тўлиқ сафарбар этилиши, бир томондан, мавжуд иқтисодий ресурслардан тежамли ва оқилона фойдаланишни таъминласа, бошқа томондан, инвестицияларнинг самарадорлигини оширади.

Шу нуқтаи назардан, ушбу битирув малакавий иши мелиорация тадбирларига сарфланган инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш масалаларига бағишланган бўлиб, мавзунини ёритишда «Сирдарё насос станциялари энергетика ва алоқа бошқармаси» материалларидан фойдаланилди.

Ташкилотни таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, бугунги кунда Сирдарё вилоятида самарали инвестицион фаолият олиб борилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 29 октябрдаги “Ислом тараққиёт банки Қувайт Араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси ва ОПЕК халқаро тараққиёт жамғармаси” иштирокида “Сирдарё ва Жиззах вилоятларида ирригация-дренаж тармоқларини тиклаш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-1215-сонли Қарори билан Сирдарё вилоятига жами 41,3 миллион АҚШ доллари ажратилди. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29-октябрдаги «2008-2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПФ-3932 сонли Фармони ҳамда 2008 йил 19 мартдаги “2008-2012 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури тўғрисида” ги ПҚ-817-сонли Қарорида белгиланган Давлат дастури доирасида охириги 5 йил мобайнида вилоятга 47,748 млрд. сўм атрофида маблағ ажратилди. Жумладан, қуриш ва реконструкция ишлари бўйича 2008-2012 йиллар давомида 54 та лойиҳа доирасида 29 млрд. 208 млн. сўмлик бюджет маблағлари ўзлаштирилди. «Сирдарё насос станциялари энергетика ва алоқа бошқармаси» фаолиятини таҳлил қилар эканмиз, 2010-2012 йиллар давомида Қуйи Сирдарё ИТХБ қошидаги Сирдарё НСЭ ва АБ тасарруфида 39 дона насос станциялари бўлиб, уларда 100 дона насос агрегати мавжуд. Бу насос станцияларидан режа бўйича 2012 йилда 492,42 млн. кубометр сув чиқариш режалаштирилган бўлиб, амалда жами 541,52 млн. Кубометр сув чиқарилди ва 35777 минг. Квт электроэнергетика сарфланди. Ушбу кўрсаткич 2010 йилда режа бўйича 524,26 млн. кубометр режа бўйича сув чиқарилиши лозим бўлиб, амалда 534,96 млн. кубометр сув чиқарилган.

2012 йилда тўғридан-тўғри суғориш учун 434,15 минг кубометр сув чиқарилган бўлса, 2010 йилда 460,1 минг кубометр сув тўғридан-тўғри

суғориш учун чиқарилган. Вилоят бўйича таҳлил ўтказилаётган йилларда 37250 гектар ер майдони оқар сув билан таъминланди.

Бундан ташқари 2012 йилда вилоят сув танқислигини олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 178-сонли Қарорига асосан 16 дона насос, 2 дона электр двигатель, 30 дона подшипник ва 400 метр кабель ўрнатилди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, бугунги кунда бошқармада суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича самарали фаолият олиб борилмоқда ва мелиорация тадбирларига сарфланаётган инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлиги ортиб бормоқда.

Бугунги кунда ички инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича қуйидаги таклифларни киритмоқчимиз:

- тижорат тузилмаларини кафолатга бўлган талабини таъминлаш мақсадида кафолат-гаров жамғармалари тизимини шакллантириш;

- аҳоли бўш пул маблағларини инвестицион жараёнларга жалб қилиш мақсадида қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш, турли қимматли қоғозларни муомалага чиқариш (уй-жой сертификатлари ва уй-жой облигациялари);

- ишлаб чиқаришни тузилмавий-технологик қайта қуришни жадаллаштириш мақсадида марказлашган кредит ресурсларнинг бир қисмини тез қоплайдиган инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга қаратиш, шу жумладан кичик бизнес объектларига йўналтириш;

- инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг нокредит усулларида бўлган лизинг, франчайзинг, факторинг кабилардан фойдаланишни кенгайтириш;

- инвестицион лойиҳаларни сифатини ошириш, лойиҳаларни капитал қўйилмалар самарадорлиги талабларига мос келиши мақсадида тижорат асосида доимий равишда фаолият юритадиган инвестицион лойиҳалар кўргазмасини ташкил қилиш ишлари амалга оширилиб келинмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида” ги 2007 йил 29 октябрдаги № ПФ-3932 Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2008-2012 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат Дастури тўғрисида” ги 2008 йил 19 мартдаги № ПК-817 Қарори.
3. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Т.: Ўзбекистон, 2012 йил, 56-бет.
4. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади-Т.: Ўзбекистон, 2011.-48б.
5. Каримов И.А. Асосий вазифамиз-Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир //.-Тошкент: «Ўзбекистон»,2010.-Б. 80.
6. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
7. А.В.Вахабов, Ш.Х.Хажibaкиев, Н.Г.Муминов. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. /и.ф.д., профессор А.В.Вахабовнинг умумий таҳрири остида. – Т.: “Молия”, 2010, 328 бет.
8. Султонов А.С., Худойберганов З.Я., Қўчқорова С.А. Сув хўжалиги иқтисодиёти (дарслик) – Т.; ТИМИ, 2007 . 302 бет.
9. Султонов А.С., Умурзоқов Ў.П., Рашидов Ж.Х. Сув хўжалиги иқтисодиёти ва менежменти (дарслик) – Т.; ТИМИ, 2008 . 231 бет.
10. Ўзбекистан в цифрах 2012. Статистический сборник. – Т., 2012.
11. «Сирдарё насос станциялари энергетика ва алоқа бошқармаси»нинг 2010, 2011, 2012 йиллар учун йиллик ҳисоботлари.
12. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги расмий сайти: <http://www.agro.uz>.
13. Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети. www.tsue.uz

Интернет маълумотлари

1. www.ilm.uz

2. www.lex.uz

3. www.google.uz

4. www.kutubxona.uz